



MILLIY TIKLANISH

49 (370) ● 2015 йил 16 декабрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Соғлом она ва бола йилида соҳага оид ҳужжатларни такомиллаштиришда ЎзМТДП фракцияси ҳам фаол иштирок этади

Ватанимизнинг энг улуғ қўшиғини эъзозлаш, ёд олиш ва баралла куйлаш ҳар бир юртдошимизнинг бурчидир

Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи жорий йилда 89 депутатлик сўровини амалга оширди

ЎзМТДП — устувор вазифалар

Тараққиётимизнинг янги марра ва уфқлари белгиланди

бу эса барча даражадаги партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари олдида муҳим ва долзарб вазифаларни кўйди

Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 23 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали йиғилишдаги маърузаси бузун мамлакатимизнинг барча шаҳару қишлоқлари, маҳаллалар, меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида кенг ўқиб-ўрганилиб, тегишли вазифалар белгиланмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларида ҳам мазкур маъруза атрофлича муҳокама қилиниб, ундан келиб чиқадиган вазифалар асосида бутун фаолиятимизнинг асосий йўналишлари белгиланмоқда. Маърузани ҳар бир партия аъзоси ўқиб-ўрганиб, чуқур идрок этиши, барча партия ташкилотлари ушбу ҳужжатда илгари сурилган ғоялар ва белгиланган вазифалар асосида иш дастурларимизни янада кучайтиришимиз лозим. Энг муҳими, партия фаоллари маърузани кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб-ташвиқ қилишни тизимли йўлга қўйишига эришишимиз керак. Хозирданок барча ҳудудий партия ташкилотларида ЎзМТДП Марказий кенгаши ва фракцияси аъзолари иштирокида Президентимиз маърузасида илгари сурилган ғоя ва фикрлардан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган семинарлар ўтказишни бошладик.

> 2-бет.



Шерзод МИРЗАНОВ,
Халқро тоифадаги спорт устаси, белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпиони:

— Юртимизда миллий кадрларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор натижасида бой маънавий меросимизнинг ажралмас қисми бўлган халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари ҳам қайта кадр топаётди.

Халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари фарзандларимизнинг нафақат жисмонан бакувват, балки маънан етук бўлиб воёга етишига хизмат қилади, ёшларда мардлик, жасурлик, фидойилик, ватанпарварлик фазилатларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мен "Миллий тикланиш"ни танладим. Сиз-чи?

Қонунчилик палатасида



Устувор вазифалар белгилаб олинди

ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия кўмитаси ва партиянинг қуйи палатадаги фракциясининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёنларини янги босқичга кўтаришдан иборат" мавзудаги дастуриламал маърузаси бугунги кунда кенг жамоатчилик, барча даражадаги депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, аҳолининг кенг қатлами диққат марказида бўлиб, унда билдирилган фикр-мулоҳазалар, келтирилган далил ва рақамлар, белгиланган

вазифалар чуқур ўрганилиб, таҳлил қилинмоқда, мазмун-моҳияти кенг тушунтирилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия кўмитаси ва партиянинг қуйи палатадаги фракциясининг қўшма йиғилиши ҳам ана шу масалага бағишланди. Йиғилишда Президентимиз маърузасида илгари сурилган фикр ва ғоялар асосида партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари олдида турган долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

> 4-бет.

Давлат рамзлари

Халқимизнинг улуғ ва қудратли қўшиғи

Давлатимиз мадҳияси мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, фаровон турмушимиз, порлоқ келажакимиз тимсоли

Давлат рамзлари ватанпарварлик фазилатини шакллантирувчи, шу азиз юртимизни жону-дилдан севишга ундовчи муҳим ғоявий воситадир. Юртимиз мустақилликка эришгач, халқимизнинг азалий орзу-истаклари, эзгу иштиқоқлари Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Чунки, Ватанимиз мадҳияси ҳам унинг ўзи каби азиз ва муқаддасдир. Унда халқимизнинг орзу-умидлари, келажакка мустаҳкам ишончи тегин ифодаланган, бой ўтмишимиз, миллий анъана ва кадрларимиз, тинчлик, осойишталик, миллатлараро тотувлик ва биродарлик каби умуминсоний туйғулар тараннум этилган.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида халқимизнинг маънавиятини юксалтириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлат мадҳияси ёшларда Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, миллий ўзлигимизга чуқур ҳурматни шакллантиришда, фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва етук инсонлар бўлиб воёга етишида муҳим тарбиявий восита бўлиб хизмат қилмоқда.

> 2-бет.

Депутат сўров киритди

Мамлакатимиз ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш ва бунда ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга дахлдор барча идора-ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Айниқса, эртаниш эгалари бўлган фарзандларимизни бу борада юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш, хусусан, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида йўлларда ҳаракатланиш қоидалари ўргатилишини назорат қилиш, қишлоқ жойларда пидедалар йўлакларини ташкил қилиш, йўл белгилари ўрнатиш долзарб аҳамиятга эга.

Эътиборсизликнинг олди олинди

халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи бу борада депутатлик сўровини амалга оширди

Хозирги кунда соҳада бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб, турли йўл-транспорт ҳодисаларининг олди олинган, йўловчилар хавфсизлиги таъминланган. Бу борада яқинда кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун яна бир муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш жоиз, бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқий, сиёсий саводхонлиги тобора юксалиб, улар ўзлари сайлаган депутатларга қонун ва қонуности ҳужжатлар, партия дастурий мақсад-вазифаларининг ижроси, аҳоли ва электорат манфаатларини таъминлаш борасида аниқ ташаббуслар билан мурожаат қилаётди. Уйчи туманидаги "Ўнхаёт" шаҳарча фуқаролар йиғини аҳолисининг халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳига ҳудуддаги автомобиль йўлларида ҳаракатланишни тартибга солиш, умумтаълим мактаблари атрофида йўл белгилари ўрнатиш борасидаги мурожаати ҳам партия гуруҳи йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди.

> 4-бет.

Ушбу сонда:

Конституция ва инсон ҳуқуқлари

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан босқичма-босқич, қатъий ҳамда изчил одимламоқда



> 6-бет.

Иқлим ўзгариши ва истиқболдаги вазифалар

дунё жамоатчилиги муҳокамасида

Иқлим ўзгариши муаммоси одамларнинг сайёрамиз табиий салоҳиятига салбий таъсири билан боғлиқ глобал муаммолар ичида анча долзарб



> 7-бет.

Олтин мақом соҳиби

Ўзбекистон халқ артисти, академик Юнус Ражабий уй-музейидан репортаж



> 8-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



www.milliytiklanish.uz
сайтида ҳам ўқинг!

ЎзМТДП — устувор вазибалар

Тараққиётимизнинг янги марра ва уфқлари белгиланди

бу эса барча даражадаги партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари олдига муҳим ва долзарб вазибаларни кўйди

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Юртбошимиз маърузасида Конституция ва унинг асосида яратилган қонунчилик базаси жамиятимизни ислох этиш, демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бўйича пухта ўйланган, дунёда тараққиётнинг "ўзбек модели" деб тан олинган дастур асосини ташкил этиши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шу боис жаҳондаги саноқли давлатлар қаторида мамлакатимизда мустақил тараққиёт йилларида иқтисодиёт қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 9 баробардан зиёд ўсганлиги барчамизнинг қалбида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди.

Ватанимизда амалга оширилаётган ана шундай кенг қўламли ислохотлар туйғули одамларимизнинг онгу тафаккурида рўй бераётган туб ўзгаришлар, уларнинг ён-атрофдаги воқеаларга муносабати, дахлдорлик ҳисси, энг муҳими сиёсий фаоллиги ва фуқаролик позицияси тобора ўсиб бораётганлиги маърузада эътироф этилди. Бу фикр мустақил фикрли, мустақам ирода эгаси бўлган ва жамиятда сиёсий фаол фуқаролар сафини янада кенгайтиришга интилаётган партияимиз учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки, юрт тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ҳамда демократик ислохотларнинг кенг қўлама амалга ошиши ҳар бир фуқаронимизнинг онгу тафаккури юксаклиги, фуқаролик позициясининг мустақамлиги, юрт манфаатларига дахлдорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Президентимиз мустақил ва янги-ча фикрлайдиган, замон талабига жавоб берадиган истиқлолнинг янги авлоди шаклланиганини, Ватанимизнинг эртанги кунини, тақдирини ўз қўлига олишга қодир бўлган ёшлар барча соҳаларга қариб келаётганлигини образли қилиб "фарзандларимиз бугун минбарга чиқмоқда" деб фахр билан таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон ёшлари

бугун жамиятимизнинг етакчи кучи сифатида майдон ва минбарга чиқмоқда. Президентимиз томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар мазмун-моҳиятида айнан ёшларнинг орзу-интилишларига мос амалий саъй-ҳаракатлар мавжуд эканлигини мамлакатимиз жамоатчилиги, энг аввало, ёшларнинг ўзи теран ҳис этиб турибди.

Давлатимиз раҳбари маърузасида илгари сурилган бу гоя ва вазибалар мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, одамлар қалбида дахлдорлик ҳиссини янада кучайтириш, ёшларнинг билим олиши ва муносиб меҳнат шaroитларига эга бўлишига кўмаклашишни ўз дастурий мақсадларида етакчи ўринга кўйган Ўзбекистон "Миллий тиклаш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлари зиммасига катта масъулият юклайди. Эеро, партия аъзолари сонининг яримдан кўпини ёшлар ташкил этар экан, уларнинг ҳаётий манфаатларини қабул қилинаётган қонунларда акс эттиришни янада кучайтириш фракция аъзолари олдига турган муҳим вазибалар. Иккинчидан, барча даражадаги партия ташкилотлари ва "Ёшлар қаноти" навқирон авлоднинг маънаву етуш, жисмон соғлом бўлиб вояга етишлари ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар—ёшлар нигоҳида", "Ўзбекистон ёшлари: биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз!", "Баркамол ва соғлом авлод—Ўзбекистон келажаги" каби лойиҳалар, форум, фестивал ва акцияларни янада кучайтириш, мазкур тadbирларнинг таъсирчанлигини оширишга бутун диққат-эътиборни қаратишлари лозим.

Маълумки, биз ҳуқуқий-демократик давлат қуриш ва энг муҳими, қонун устуворлигига эришишни бош мақсад сифатида белгиланганмиз. Худди шу масалага тўхталар экан, Президентимиз: "барча тўзимлар, аввало, мансабдор шахсларнинг қабул қилинаётган қонунларни ижро қиларга ўз вақтида етказиш, улар-

нинг бажарилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатиш бўйича жавобгарлигини кучайтириш зарур. Бунда қонунни бажармаслик билан боғлиқ ҳар бир конкрет ҳолат бўйича аниқ жазо турлари, ҳуқуқий таъсир чоралари кўзда тутилиши керак", деган вазиба кўйди. Бу вазибани ҳал қилишда қабул қилинган меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро қиларга етказишни аниқ тартибга соладиган махсус қонун ҳужжатини қабул қилиш ва амалга ошириш, энг муҳими, аҳолини қабул қилинаётган қонунларнинг мақсади, мазмун-моҳиятидан кенг хабардор этиб бориш мамлакатимизда қонунийликни, ҳуқуқ-тартибни мустақамлашда муҳим эканлиги тилга олиб ўтилди.

Яна бир муҳим вазибамиз, — деб таъкидлади Юртбошимиз, — қонун ижодкорлиги фаолиятини прогноз қилиш ва режалаштириш бўйича самарали тизим яратишдан иборатдир. Бу биз учун асосий марраларимиздан қалғимасдан, реал ҳаётдан узоқлашмасдан, нафақат давлат бошқаруви, иқтисодий тараққиёт соҳасидаги аниқ вазибаларни ҳал этишда, балки асосий мақсадимиз бўлган ҳуқуқий демократик давлат қуришни ички амалга оширишда қандай қонунлар қабул қилишимиз кераклигини аниқ белгилаш имконини беради.

Ушбу вазибани амалга оширишда партияимиз ва унинг парламент куйи палатасидаги фракцияси, энг аввало, сайловолди Платформамиздан ўрин олган вазибалар ва электрот манфаатларини ҳисобга олишимиз зарур. Бунда қонунлар мазмун-моҳияти ва руҳига миллий манфаатлар, аънава ва қадриятларимиз, айниқса, халқимизга хос бағрикенглик, муруват, кечиримлик, инсонпарварлик фазилатлари сингдирилишига янада кўпроқ эришишимиз лозим.

Маърузада бугунги кунда ана шу йўналишда кўплаб ишлар қилинаётганини эътироф этилиб, янги конституциявий шaroитлар бу борадаги ишларни ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган ҳуқуқий қонунчилик асосида ташкил этиш ва бажаришни тақ-

зо этмоқда, дейилди. "Парламент назорати тўғрисида" ва "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунларнинг тезроқ қабул қилиниши кўп жиҳатдан ана шу вазибаларни ҳал этиш имконини бериши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Фракция аъзолари жойларда қонунлар ижроси устидан парламент назоратини кучайтиришлари ҳамда бу ишда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан ҳамкорликни замон талаблари даражасида йўлга қўйишлари даркор.

Бугун юртимизда тинчлик ва осойишталикни, фуқароларнинг ҳавфсизлигини ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Юртбошимиз Ўзбекистоннинг бу борада эришаётган салмоқли ютуқлари ҳақида гапирар экан, АҚШда фаолият кўрсатаётган, катта обрўга эга бўлган, Гэллуп институти деб ном олган ижтимоий фикрни ўрганиш маркази томонидан "Қонуний тартибларга итoат қилиш индекси" деган мавзуда 2015 йилда ўтказилган ва эълон қилинган тадқиқот материалларига алоҳида эътибор қаратди. Ушбу нуфузли ташкилот шу йўналиш бўйича ўз хулосасини чиқариш учун жаҳон миқёсида 141 та мамлакатда сўров ўтказиб, катта ёшдаги 142 миң шахснинг фикрини ўрганган. "Бизнинг мамлакатимиз, Ўзбекистонимиз, бу сўровнома натижаларига кўра, дунёдаги 141 та давлат орасида 2-ўринни эгаллаганини алоҳида мамнуният билан таъкидлаш лозим" — деди Президентимиз. Ўзбекистоннинг бундай ўта муҳим масала, яъни юртимизда тинч ва осуда ҳаётни асраш ва ҳимоя қилиш бўйича юксак даражага кўтарилгани, бу соҳада олиб борилаётган ишлар халқаро миқёсда кенг эътироф этилгани, ҳеч шубҳасиз, барчамизга гуруру ва ифтихор бағишлайди.

Бу ҳақда гапирганда, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини, энг асосийси, одамларимизнинг ҳаётдан розилигини, эртанги кунга ишончини янада мустақамлаш ўта

муҳим аҳамиятга эга эканини ҳисобга олган ҳолда, бу масала бундан буён ҳам эътиборимиз марказида туришни унутмаслигимиз зарур. Ўзбекистон "Миллий тиклаш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари, аъзо ва фаоллари юртимизда ҳукм сураётган тинчликни кўз қорачиғидек асрашдек улурвор ишга ўз амалий фаолиятлари билан муносиб ҳисса қўшиши олдимида турган энг муҳим вазибалардир. Бу вазибани амалга оширишда "Тинчлик ва осойишталик — барча ютуқ ва марраларимиз асоси" ширин остида ўз уйимизни ўзимиз асрашимизга қаратилган кенг қамровли оммавий-сиёсий тadbирларни янада кучайтириб, уни бугун давр олдимида кўйётган талаблар асосида таъсирчанлигини оширишга бутун куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз.

Барчамизга маълумки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кириб келаётган янги йилга ном бериш мамлакатимизда кутлуг аънавага айланган. Кириб келаётган янги йил ҳамда унга ном бериш хусусида сўз кетар экан, соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилишига эътибор қаратилди ва асрлар давомида ўз тасдиғини топган бу ҳақиқатни тушунтириб, изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман, — деди Президентимиз ўз маърузасида.

Ана шундай муҳим ҳаётий қадриятни жамиятимизда янада чуқур қарор топтириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги ишларимизни янада юксак босқичга кўтариш мақсадида кириб келаётган янги — 2016 йил юртимизда **Соғлом она ва бола йили** деб эълон қилинди. Чунки, аёлларга шарқона эҳтиром ва эъзoз кўрсатиш — биз учун ота-боболаримиздан қолган ибратли мерoс бўлиб, биз бундай аъналаримизга доим содиқ бўлиб яшаймиз. Мерoс ва аънаваларни замонавий қадрият ва тараққиёт билан уйғунлаштиришга интилаётган партияимиз учун илгари сурилган бу гоя ниҳоятда муҳим эканлигини ҳар бир партиядошимиз бутун вужуди, қалби ва тафаккури билан ҳис этиши лозим.

Истиқлол йилларида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, биринчи навбатда, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масаласи мамлакатимизда устувор вазиба сифатида белгиланди. Маърузада бу соҳада зарур ҳуқуқий-меъерий базани такомиллаштириш, миллат генофондини яхшилаш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, Соғ-

лом она ва бола йили Давлат дастурини ишлаб чиқишда, аввало, юртимизда оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича шаклланган ҳуқуқий-меъерий базани такомиллаштириш, олис ва чекка ҳудудларда, мураккаб иқлим шaroитида яшаётган аҳоли, аввало, аёллар учун ижтимоий, маиший, тиббий нуқтани назардан зарур шaroитларни яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма тармоқларини барпо этиш, аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш даражасини юксалтириш борасида бир қатор вазибалар белгилаб берилди.

Президентимиз томонидан белгиланган бу вазиба партияимиз ва депутатларимиз фаолияти марказида бўлиши лозим. Энг муҳими, Соғлом она ва бола йили Давлат дастурини ишлаб чиқишда, аввало, юртимизда оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича шаклланган ҳуқуқий-меъерий базани такомиллаштириш масаласида партияимиз фаоллари ва депутатларимиз ташаббускор бўлиши лозим. Бундан ташқари, "Фуқаролик жамияти шаклланишида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг долзарб вазибалари" ва "Оилалар саодати — мустақиллик самараси" лойиҳалари, "Соғлом она — соғлом бола" мавзусида конференция, "Келажаги буюк юрт фарзандлари" ширин остида қизлар ўртасида спорт мусобақаси, "Оила институтини янада такомиллаштиришнинг долзарб вазибалари" мавзусида семинар ва бошқа бир қатор тadbирлар ташкил этилиши режалаштирилди.

Барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатларимиз маърузада белгиланган вазибалардан келиб чиқиб, партия сайловолди Платформасини амалга оширишда ўзаро ҳамкорликни янада кучайтиришлари, айниқса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари сессиялар кун тартибига электрот манфаатларига мос масалаларни олиб чиқишлари лозим.

Хулоса қилиб шунни айтиш зарурки, Президентимиз Ислам Каримовнинг ушбу маърузаси мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий юксалишини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш, унинг улкан марраларини белгилаб берганлиги билан тарихий аҳамият касб этади.

Сарвар ОТАМУРАТОВ, ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси

Давлат рамзлари

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистон "Миллий тиклаш" демократик партияси Марказий кенгаши ва Тошкент давлат юридик университети ҳамкорлида "Ўзбекистон мадҳияси — Ватан туйғуси ифодаси" мавзусида ўтказган давра суҳбатида ана шулар ҳақида сўз борди. Тадбирда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов иштирок этди.

Мадҳияимизни тинглаганда истиқлол йилларида мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётимиздаги ўзгариш ва янгиланишлар, халқимизнинг фаровон турмуши, барча соҳада эришаётган ютуқ ва марраларимиз, тўқин-сочин дастурхонимиз, тинч ва осуда ҳаётимиз кўз ўнгимизда гавдаланади, — деди партия етакчиси. — Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир жумласи қалбларимизни тўлқинлантиради. Ундаги ҳар бир сўз мингйиллик аънава ва қадриятларимизга уйғун ва ҳамохан, халқимизга хос бағрикенглик, ҳалоллик, тинчликсеварлик каби фазилат ва хусусиятларни тараннум этади. Шу жиҳатдан ҳам бу кўшиқ биз учун нафақат истиқлол рамзи, балки тинчлик-тотувлик ва хотиржамлик тимсолидир. Шунинг учун ҳам ёшларда давлатимиз мадҳиясига нисбатан чуқур ҳурмат руҳини шакллантиришимиз лозим. Зотан, бу кўшиқ буюк келажагимизни барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган халқимизни, ўз истеъдоди билан дунёни лол қолдираётган навқирон авлод вакилларини янги марралар сари илҳомлантиради, бунёдкорликка ундайди. Бу эса юртимиз тараққиёти ва халқимизнинг фаровон турмушини таъминлайди. ЎзМТДПнинг бугунги тadbiri ҳам мадҳияимизнинг юртимиз тараққиётидаги ўрнини кенг

Халқимизнинг улуғ ва қудратли кўшиғи

Давлатимиз мадҳияси мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, фаровон турмушимиз, порлоқ келажагимиз тимсоли

муҳокама этиш, келажақ эгаларини давлат рамзларига нисбатан чуқур ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш керак, навқирон авлод вакилларини ватанпарварлик, миллий гояга садоқат, давлат рамзларини умуммиллий гуруру ва эҳтиром тимсоллари сифатида улуғлаш руҳида тарбиялаш ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган устувор мақсад-вазибалардан саналади. Партия ёш авлод онгда давлат рамзларига ҳурмат руҳини шакллантириш, миллий ўзлигини англаш, ватандошларимизда миллий гуруру ва кадр-қиммат туйғуларининг мустақамлигини таъминлашга ҳизмат қилади.

Каримов раҳнамолигида 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги қонунда мадҳияимиз давлат суверенитетининг рамзи, унга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш ҳар бир фуқаронинг ватанпарварлик бурчи экани алоҳида белгиланган, — деди тадбирда маъруза қилган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Умрзоқов. — 2010 йил 24 декабрда давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатлари ҳамда "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Унга мувофиқ, мадҳия қайси вақтларда ижро этилиши, мадҳия ижро этилаётганда тик туриб ва ўнг қўл кафтини кўкракнинг чап томонига қўйиб тинглангани, мамлакатимиз фуқаролари ва юртимизда бўлиб турган бошқа шахслар ҳам мадҳияимизни ҳурмат қилиши шартлиги каби муҳим қоидалар белгиланди. Бу меъерлар нафақат давлат рамзларини, балки мустақиллигимизни, миллий ўзлигимизни асраб-авайлашга ҳизмат қилади.

Тадбирда таъкидланганидек, мадҳия тимсолида халқимизнинг орзу истаклари, маслак ва мақсадлари муҷассам. Унинг халқона тилда ёзилгани, сўзи ва мусиқасидаги ўзаро уйғунлик ва ҳамоханлик ҳар бир ватандошимиз қалбини тўлқинлантиради, мадҳияимизнинг жозибасини янада оширади.

Мадҳияимизда юртимиз ва аждодларимиз шаъну шавкати, халқимизнинг орзу мақсадлари, бепоён ва гўзал она Ватанимиз, бунёдкор халқимиз ва унга хос бўлган фазилатлар

мадҳ этилади. Жумладан, "...Яшнагай то абад илм-у фан ижод, шуҳратинг порласин токи бор жаҳон..." каби сўзлар азалдан илм-фан, маданият ва санъатга алоҳида эътибор қаратган халқимизнинг ўй-хаёллари, орзу-интилишлари билан уйғун. Зотан, халқимиз дунё илм-фани тараққиёти учун қанчадан-қанча буюк сиймоларни, аллома ва мутафаккирларни етиштириб берган. Бугун дунё миқёсида кенг қўлланиладиган, тараққиётимизнинг муҳим омили, соғлигимизга гаровига айланган "Алгебра", "Медицина" каби илмий атамалар улуғ боболаримиз номидан олинганини инобатга олсак, халқимиз маънавий жиҳатдан дунёдаги энг буюк халқлардан бири эканига яққол амин бўламиз. Мадҳияимизни тинглаганда, мадҳияимизни тинглаганда, мадҳияимизга ҳурмат — миллий ўзлигимизга, урф-одат, қадрият ва аъналаримизга ҳурматдир.

Давлатимиз мадҳиясидаги ҳар бир сўз миллий ўзлигимиз, қадрият ва аъналаримизни едимизга солишини инобатга олсак, унинг маънавий тарбиячи эканини яққол ҳис этиш мумкин, — деди ЎзМТДП фаоли, Тошкент давлат юридик университети кафедра мудири Жаҳонгир Бобоев. — Шу боис уни ҳурмат қилишимиз мазмун-моҳиятини чуқурроқ англашимиз лозим. Ёшлар онгу шу урига ана шундай фикр-ғояни сингдириш барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир. Зотан, мадҳияимизга ҳурмат — миллий ўзлигимизга, урф-одат, қадрият ва аъналаримизга ҳурматдир.

Тадбирда таъкидланганидек, давлат рамзларига ҳурмат руҳини шакллантириш, дарҳақиқат, мустақиллигимизни мустақамлаш, маънавиятимизни янада юксалтириш, миллий ўзлигимизни англашда муҳим воситадир.

Акмал ЖУМАОБОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Мадҳия фақат мадҳ этиш эмас, балки эътиқод ва садоқат ифодасидир. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси мустақилликка садоқатни тарғиб қилади. Бу муаззам кўшиқ фуқароларимизни мустақил давлат қуриш йўлида матонат ва жасоратга, сабр-тоқат ва фидокорликка, ташаббускорлик ва курашга чақиради, миллий гуруруни уйғотди. Мадҳияимиз байрамлар, нуфузли тadbирлар, спорт анжуманлари, расмий давлат қабуллари, турли давлат бошқаруви қўмити кутиб олиш ва кузатиш маросимлари ҳамда қонун билан белгиланган бошқа ҳолларда ижро этилиб, давлат суверенитетига эътиқод ва ҳурматни расмий мусиқа ҳамда матн билан ифода этади.

Юртимиз вакиллари иштирок этадиган халқаро миқёсдаги сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий тadbирлар ва спорт мусобақаларида мазкур шукчи тарона жанрларда калбларимиз фахру ифтихорга тўлади. Бу улурвор қасидани тинглаганда, қуйлаганда, беҳиштиёр энг жўшқин, ёруғ туйғулар жўш уради, кўз олдимида эзгу ниятлари ўзига эш халқимиз, она Ватанимизнинг таровати, бой тарихи, саноатли бугуни ва буюк келажаги намоён бўлади.

Юксак ватанпарварлик туйғусини муҷассам этган мадҳияимиз бугунги таълим масканларида ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат руҳида камол топишига ҳизмат қилмоқда. Энди ҳарф таний бошлаган жажжи фарзандла-

римиз миллатимизнинг бош кўшиғини куйлаб бошлаганида севинчдан ҳаяжонга тушамиз. Бундай лаҳзаларда халқ ва Ватан улуғларини кўшиқ инсонлар қалбига юксак ва беғубор туйғуларни жо этишга, бу ёруғ оламни янада мунаввар кўрсатадиган илоҳий мўъжиза эканлигига яна бир бор амин бўлаемиз. Юртнинг энг улуг кўшиғини эъзoзлаш, ёд олиш ва баралла қуйлаш ҳар бир юртдошимизнинг бурчидир.

Ўзбекистон "Миллий тиклаш" демократик партияси миллий ўзлигини англаш, ватандошларимизда миллий гуруру ва кадр-қиммат туйғуларининг мустақам қарор топиши масалаларига ҳамма катта эътибор қаратади. Бу борада партия фуқаролар, айниқса, ёшларни давлат рамзларини эъзoзлаш, ардоқлаш, уларга ҳурмат руҳида тарбиялашга кўмаклашиш келмоқда. Давлат рамзларининг маъно-мазмунини, аҳамиятини кенг тарғиб этишга қаратилган чора-тadbирларда партиядан сайланган барча даражадаги депутатлар ҳам фаол иштирок этиб, рамзларимизнинг қонунчилик асосларини ёшларга етказишга эътибор қаратмоқда.

Мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, тотувлик, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик ҳукм сураётди. Ватанимизнинг куч-қудрати, салоҳияти, обрў-эътибори ҳам тобора юксалмоқда. Энг муҳими, озоқ юртимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган фарзандлари келажаққа қатъий ишонч билан юксак марралар сари дадил одимламоқда. Демак, истиқлолимизни, юртимизнинг куч-қудрати, халқимизнинг ақл-заковати, аждодларимизнинг шон-шуҳрати ва авлодларимизнинг ёруғ келажагини шарофатини бу тарона асрлар оша баралла янграйверади.

Ҳасан САЛОМОВ, "Milliy tiklanish" муҳбири



Муносабат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримовнинг Конституциямиз қабул қилинган 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини катта эътибор ҳамда ғурур-ифтихор билан тингладик. Маърузада таъкидланганидек, ҳаётимиз қомуси бўлмиш Конституциямизни юксак қадрлашимизнинг сабаби, аввало, унинг коммунистик мафкура асосига қурилган эски маъмурий-бўйруқбозлик ва тақсимот усулидан, мустақил тузумдан бутунлай воз кечганимизни эълон қилиш, биз учун янги давлат ва жамият қуришнинг энг муҳим принциплари ва мақсадларини, вазифа ва меъёрларини белгилаб берганидир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган стандартлари ва нормаларига тўла мос келадиган давлат бошқаруви ҳамда ҳуқуқий тизим ташкил этилди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг кафолатлари яратилди. Жаҳонда молиявий инқироз ҳали-бери давом этаётганига қарамай, мамлакатимизда иқтисодийнинг самарали механизмига асос солинган, мукаммал

Изчил ислохотларнинг амалий ифодаси

ҳуқуқий асослар яратилгани натижасида дунёнинг санокли давлатлари қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари сўнгги 10 йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келмоқда. Сўнгги йилларда қабул қилинган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Қимматли қозғалар бозори тўғрисида"ги, "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги, "Электрон тижорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари иқтисодий ҳимояда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни узлуксиз техник ва технологик янгилаб бориш, замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этишда ҳуқуқий асос бўлаётди.

Бундан ташқари яқинда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги

тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан хусусий мулкни ва тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, айбдор шахсларнинг, жумладан, мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида 40 дан зиёд қонунларимизга ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Бу эса жамиятда адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга, ялпи ички маҳсулотни шакллантириш ҳамда аҳоли бандлигида асосий ўрин эгалловчи маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, оилавий тадбиркорлар ва касаначиликни янада рағбатлантиришга ва уларнинг иш фаолиятини сезиларли даражада жадаллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбари мазкур тантанали йиғилишда таъкидлаганидек, мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида иқтисодиймиш 5,5 баробардан зиёд ўсиб, аҳолининг реал да-

роматлари жон бошига 9 марта кўпайди. Ушбу самарали кўрсаткичлар замирида эса мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар, Президентимиз фармон ва қарорлари ҳамда улар асосида олиб борилаётган амалий ишлар муҳим.

Иқтисодий соҳасидаги бу ислохотлар, энг асосийси, Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, иқтисодий, ижтимоий барқарорлик, миллатлараро тотувликни таъминлаш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар хорижий мамлакатларда ҳам юксак баҳоланаётди. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ошиб боришига хизмат қилмоқда. Хусусан, яқинда юртимизга таширф буюрган Хиндистон, Япония, Покистон Бош вазирлари ва бошқа нуфузли сиёсатчилар иқтисодий, сиёсий ислохотлар натижасида Ўзбекистон эришяётган натижаларга юқори баҳо бердилар. Халқаро молия институтлари республикамиз билан кенг ҳамкорлик қилиб, янги

инвестиция лойиҳаларини молиялаштириб келмоқда. Бу эса халқаро ҳамжамият мамлакатимиз таракқиётига, ундаги барқарорликка, тинчлик-тотувликка ҳамда улар киритган сармояларининг келгусида ўз мақсулини беришига ишонаётганлигидан далолат беради.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган ишлар аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлиқни юксалтириш, иқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилгани билан долзарб аҳамиятга эгадир. Мазкур жараёнларда ЎзМТДП фракцияси ҳам партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда фаол иштирок этишга интилади. Хусусан, соҳалар тараққиётига замин бўладиган қонунлар ва қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларни тарғиб этиш ва ижрочиларга етказиш ишлари фракциямизнинг келгусидаги фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.



Элдор ТУЛЯКОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

лил фаолиятини янада кучайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Зеро, парламент ва жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши юртимизда демократик тамойиллар устувор эканлигининг ёрқин намунаси.

Бунда ЎзМТДП фракцияси партиянинг халқимизга хос қадриятлар, анъана ва урф-одатларни ўзида акс эттирган мурувват, кеңиримlilik каби олижаноб фазилатлар суд амалиётига жорий этилиши жараёнида муносиб иштирок этиш вазифаларини таъминлашни ўзининг устувор дастурий мақсадларидан деб билади. Жумладан, маъмурий судлов соҳасига яраштираув институтини киритиш, низоларни судгача ҳал этиш тизимини такомиллаштиришда давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга интилади.



Сиддиқ НАМОЗОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Мақсад-вазифаларимиз ижросида муҳим омил

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, энг аввало, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, фаровонлигини таъминлашга йўналтирилмоқда. Ушбу ислохотлар самарасини шахару қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳолининг турмуш даражаси ва сифати охиш бораётганида яққол кўриш мумкин.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида таъкидланганидек, жорий йилда қишлоқларимизда намунавий лойиҳалар асосида 12 мингта замонавий уй-жойлар, қарийб 170 та инфратузилма объекти, 260 километр йўл, 285 километр электр, 370 километр газ, 470 километр ичимлик суви тармоқлари барпо этилди.

Бу беҳиз эмас. Чунки мамлакатимизда бевосита худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган давлат дастурлари мунтазам қабул қилинмоқда. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий Кенгаш депутатлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди: мазкур дастурлар ижросини таъминлашда уларнинг фаоллиги ва ташаббускорлиги муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидagi Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиги ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича доимий комиссияси ҳамда Шовот туманидаги пудрат-қурилиш корхонаси раҳбари сифатида бу

жараёнда ўз ҳиссамни қўшишни асосий вазифам, деб биламан. Якунланаётган йилда туманимизда 75 намунавий уй-жой ўз эгаларига топширилиб, шундан 10 га яқинини корхонамиз қуриб битказди. Шу ўринда партия гуруҳи ташаббускорлигида Шовот туманидаги 53-мактабда янги спорт зали қад ростлагани, унинг моддий-техник базаси мустаҳкамлангани ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Янги 2016 йилнинг Соғлом она ва бола йили деб аталиши бу борадаги ишларимизни янада ривожлантириш, хусусан, давлатимиз раҳбари маърузасида белгиланган соғлом авлоднинг воғга етказиш борасида болаларимиз ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада кенг омалаштириш, шу мақсадда янги спорт объектиларини қуриш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш йўналишидаги вазифаларимизни янада кучайтиришга ундайди. Бу эса ЎзМТДП сайловди Платформасида белгиланган одамлар турмуш тарзи, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолиси ҳаётининг обод ва фаровонлигини ошириш, жумладан, ёшларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш каби мақсад-вазифаларимизга ҳамоханг ва уйғундир.



Ўқтамбой РЎЗИМОВ, халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат

Фаровон ҳаётимизнинг пойдевори

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари Конституциямизда муҳаб қўйилгани мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, обод фуқаролик жамияти барпо этилишининг бош омил бўлиб хизмат қилаётди. Инсон манфаатларини ҳимоялаш чинакам демократик давлатга хос хусусиятидир. Асосий қонушимизда демократик ҳуқуқ ва эркинликларнинг Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши белгилаб қўйилган бўлиш яққол тасдиқланади.

Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинган йилгидан бери янги йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини тинглаб эканмиз, шак-шубҳасиз, истиқлол тўғрисидаги жамиятимизда, аввало, инсонга муносабат тубдан ўзгариши, айни пайтда бу борадаги неча минг йиллик миллий қадриятларимиз қайта қарор топгани, шу билан бирга, мустақил давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида инсонпарварлик гоёлари тантанасига хизмат қилувчи умумэтироф этилган халқаро андозалар устувор аҳамият касб этганини

фахр билан қайд этамиз.

Хусусан, маърузада инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар атрофида таҳлил этилди. Бу ҳақда сўз юритганда, энг аввало, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш соҳасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида тўхталиш жоиз. Сўнгги йилларда янги таҳрирдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонун, шунингдек, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида", "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа қўллаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Мазкур қонун ҳужжатлари асосида жиноят процессининг судгача бўлган босқичида фуқароларнинг процессуал ҳуқуқларига риоя этилиши устидан суд назорати кучайтирилгани, "Хабеас корпус" демократик институтининг қўллаш доираси кенгайтирилгани юртимиз қонунчилиги нафақат

умумэтироф этилган меъёрлар, балки инсонпарварлик, бағрикенглик каби миллий қадриятларимиз асосида ривожланиб бораётганини кўрсатади.

Янги таркибдаги парламентимиз бу борада бир қатор муҳим қонунларни қабул қилаётгани эътиборга молик. Жумладан, Президентимиз таъкидлаганидек, "Миллий қонунчилигимизга киритилган ўзгаришларга биноан, фуқаролик суд ишларига электрон ҳужжат айланиш тизими жорий этилди. Бу ҳар йили фуқаролик, хўжалик судлари томонидан қўриб чиқиладиган юз минглаб ишларни қўриб чиқиш самардорлиги ва тезкорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда". Шу ўринда айтиш жоизки, ҳар бир депутат мазкур қонун ҳужжатларини қабул қилишнинг ўзи етарли эмаслиги, энг аввало, жамиятда уларнинг самарали ишлашини таъминлаш борасида жонқурлик билан фаолият олиб бориши зарурлигини яши англамоғи зарур. Бу борада Бош қомисимизда парламент ва жамоатчилик назорати институти, уни амалга ошириш механизмларининг мустаҳкамлаб қўйилгани депутатларимизнинг назорат-тах-

нинг руҳий-физиологик ҳолати, барча ҳис-туйғулари, кайфияти она вужуди орқали болага ўтади. Бундан хулоса шуки, болани эъзозлаш учун аввало онани эъзозлаш керак. Бу борада барчамиз масъул эканимизни унутмаслигимиз зарур", деган сўзлари халқимиз қалбининг туб-тубидаги гаплардир. Шунингдек, Президентимиз тантанали маросимда янги йилда оила қураётган келин-куёвларни тиббий қўриқдан ўтказиш бўйича масъулиятни кучайтириш, шу мақсадда тегишли поликлиникаларни замонавий тиббий ва диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, ҳомиладор

нинг руҳий-физиологик ҳолати, барча ҳис-туйғулари, кайфияти она вужуди орқали болага ўтади. Бундан хулоса шуки, болани эъзозлаш учун аввало онани эъзозлаш керак. Бу борада барчамиз масъул эканимизни унутмаслигимиз зарур", деган сўзлари халқимиз қалбининг туб-тубидаги гаплардир. Шунингдек, Президентимиз тантанали маросимда янги йилда оила қураётган келин-куёвларни тиббий қўриқдан ўтказиш бўйича масъулиятни кучайтириш, шу мақсадда тегишли поликлиникаларни замонавий тиббий ва диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, ҳомиладор

Мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънаван етуқ авлодни воғга етказиш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинаётди. Ёш авлоднинг спорт билан мунтазам шуғулланиши, ўз иқтидорини тўла намойиш этиши учун барча шароит ва имконият муҳайё. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида қад ростлаётган спорт иншоотлари, "Баркамол авлод" марказлари ана шу мақсад рўёбига хизмат қилаётди.

Соғлом она ва бола йили


партиямиз дастурий мақсад-вазифалари рўёбига муҳим аҳамият касб этади

Бундай муассасаларда таълим-тарбия олаётган ёшларнинг аксариятини қизлар ташкил этаётгани, айниқса, қувонарли ҳол. Чунки хотин-қизларнинг саломатлиги нафақат уларнинг ўзлари учун, балки улар дунёга келтирадиган фарзандлар учун ҳам гоё муҳим. Шунинг учун ҳам хотин-қизларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, улар учун қўлай турмуш шароитини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда қатор Давлат дастурлари, қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган. Бу эса мамлакатимиз хотин-қизларининг бахтли ҳаёт кечирishi, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаши, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш, ижтимоий-иқтисодий фаолигини кучайтириш, интеллектуал ҳамда маънавий ривожланишида муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан янги 2016 йилнинг Соғлом она ва бола йили деб эълон қилингани бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, янги босқичга кўтаришга имкон беради. Соғлом аёл соғлом келажак бунёдкори эканлиги инобатга олак, мазкур йил номларини узокни ўйлаб қабул қилинган қарор эканига амин бўламиз. Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда соғлом она ва болани воғга етказишнинг мазмун-моҳияти, унинг мамлакатимиз келажиги учун аҳамияти кенг очиб берилди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг "...Болага эътибор бўлажак онага эътибор қаратишдан бошланиши керак. Чунки ҳомиладор аёл-

аёлларни асраб-авайлаш, ёш оналар ва болаларни талаб даражасида парвариш қилиш, уларнинг овқат рационини, унинг сифати ва қалириясини каби масалаларга жиҳдий эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам мамлакатимизда мустаҳкам оилалар сонини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган давлат сиёсатини ривожлантиришга қўмаклашишда қатор ҳаётий лойиҳаларни самарали амалга оширмоқда. Жумладан, ЎзМТДП сайловди Платформасида мамлакатда оилаларни мустаҳкамлаш ва оилавий қадриятларни ардоқлаш, ёш оилаларга ғамхўрликни ошириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, соғлом ва мустаҳкам оилалар сонини янада кўпайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишларга қўмаклашишни ўзининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Шу боис Соғлом она ва бола йили партиямиз дастурий мақсад-вазифалари рўёбига муҳим аҳамият касб этиши, ЎзМТДПнинг ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларини янги босқичга кўтариши шубҳасиз.



Хусниддин РАЖАБОВ, ЎзМТДП Марказий кенгаши Икромия қўмитаси бўлим бошлиғи

Хроника

Фуқаролар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш

партия худудий ташкилотлари эътиборида

Корақалпоғистон

ЎзМТДП Қораўзақ туман кенгаши "Биз ёшлар: "оммавий маданият" ва мафкуравий таҳдидларга қаршимиз!" мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Унда партия туман кенгаши аъзолари ва фаоллари, бошланғич партия ташкилоти етакчилари ҳамда ёшлар иштирок этди.

— Партиямиз ўз дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли, айниқса, ёшларда маънавий иммунитетни кучайтиришга қаратилган қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда, — деди ЎзМТДП Қораўзақ туман кенгаши раиси Қ.Жақсимуратов. — Бу борада, биринчи навбатда, миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш, миллий тикланиш гоёсини, аждодларимизнинг бебаҳо ва бой маънавий меросини, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни кенг тарғиб этишга қаратилган тарғибот ишлари жуда муҳим. Ҳар қандай таҳдидларга қарши кураша оладиган ёшларни тарбиялашга қўмаклашиш, уларни мамлакатимиз тинчлигини асраб-авайлаш, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилишга ундашда бу каби тадбирларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Жиззах

ЎзМТДП Арнасой туман кенгаши "Конституция — демократик ҳуқуқий давлат қуришининг кафолати" мавзусида тадбир ташкил этди. Унда халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, бошланғич партия ташкилоти фаоллари, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими ходимлари иштирок этди.

— Конституция — жамиятимиз равақи, турмушимиз фаровонлигини таъминловчи, ҳаётимизни қонуний жиҳатдан тартибга солувчи муҳим ҳуқуқий ҳужжатдир, — деди партия туман кенгаши раиси Рустам Нурматов. — Эркин ва фаровон жамият қуриш, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш борасида эришаётган барча муваффақиятларимиз Конституциямизда белгилаб қўйилган қоида ва меъёрларининг ҳаётимиздаги самарасидир. Халқимизнинг эзгу орзу-умидлари, тенглик, бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш каби фазилатлар ифодаланган Бош қомисимиз демократик жамият қуриш йўлидаги кенг қамровли ислохотларга ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Тадбир жараёнида ёшларнинг Конституцияга оид билимлари синондан ўтказилди.

Хоразм

ЎзМТДП Янгибозор туман кенгаши "Аёллар қаноти" "Хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фуқаролик жамиятининг асосидир" мавзусида давра суҳбати ташкил этди.

Тадбирда партия туман кенгаши хотин-қизлар йўналишидаги фаолиятини янги босқичга кўтариш орқали оила институтини мустаҳкамлаш, аёллар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, иқтисодий ёшларнинг гоё ва ташаббусларини рўёбга чиқаришга қўмаклашиш каби масалалар муҳокама қилинди.

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва нуфузини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда, — деди партия туман кенгаши раиси Расул Қурбонов. — Партия ташкилотимиз сайловди Платформамизни амалга ошириш орқали бу жараёнда муносиб иштирок этишга интилмоқда. Партия ташкил этаётган тарғибот ишлари — ўқув-семинар ва давра суҳбатлари аёлларда сиёсий етакчилик ва ташаббускорликни ошириш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини бойитишга хизмат қилмоқда.

Сурхондарё

ЎзМТДП Жарқўрган туман кенгаши "Соғлом оила — соғлом жамият" мавзусида тадбир ташкил этди. Унда партия туман кенгаши фаоллари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, "Аёллар қаноти", бошланғич партия ташкилоти етакчилари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари қатнашди.

— Бугун юртимизда олиб борилаётган сиёсатнинг туб моҳиятида инсон ва унинг саломатлигига бўлган эътибор муҳимдир, — деди партия туман кенгаши раиси Абдулазим Саломов. — Жисмонан соғлом, маънавий етуқ фарзандларни тарбиялаш партиямиз сайловди Платформасида ҳам ўз аксини топган. Фарзандларимизни комил инсонлар қилиб тарбиялаш, оилаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, кексаларнинг ибратли ҳаёти ва фаолиятини кенг тарғиб этишга қаратилган тадбирлар партия сайловди Платформасини амалга оширишга хизмат қилади. Зеро, партия кексаларга ҳурмат, ўзаро ҳамжихатлик, болаларга ғамхўрлик каби оилавий анъаналарни жамиятдаги маънавий қадриятларнинг муҳим манбаи ҳисоблайди.

Сирдарё

ЎзМТДП Гулистон шаҳар кенгаши ташаббуси билан "Конституция — миллий қадриятларимизнинг ҳуқуқий асоси" мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда партия фаоллари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ходимлари, халқ депутатлари шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, бошланғич партия ташкилоти етакчилари иштирок этди.

— Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати, обрўси олий қадрият сифатида белгиланган, — деди партия туман кенгаши раиси Замира Қаршибоева. — Инсон манфаатлари давлат ва жамият манфаатларидан устун, уни таъминлашга давлат органлари, мансабдор шахслар, жамият ва унинг бирлашмалари масъулдир. Бош қомисимиз халқимизнинг миллий ва тарихий қадриятларини ўзида муҳим эътибор билан, фаол иштирокчиларга партиянинг эсдалик совғаларини топширилди.

Тадбир якунида ёшларнинг ҳуқуқий билимлари синондан ўтказилиб, фаол иштирокчиларга партиянинг эсдалик совғаларини топширилди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА, "Milliy tiklanish" муҳбири

Конунчилик палатасида

Устувор вазифалар белгилаб олинди

ЎЗМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси ва партиянинг қуйи палатадаги фракциясининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Фракция ва партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар, партия ходимлари ва фаоллари, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган йиғилишни партия ва фракция раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

— Давлатимиз раҳбарининг маърузасида мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар самараси, эришилаётган юксак марраларнинг туб омиллари аниқ рақам, далил ва кўрсаткичлар асосида чуқур таҳлил этилиб, бугунги кунда жамият олдида турган муҳим вазифалар белгилаб берилди. — деди йиғилишда маъруза қилган ЎЗМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов. — Дарҳақиқат, Конституция ва унинг асосида яратилган миллий қонунчилигимиз жамиятни ислох этиш, демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва туб таркибий ўзгаришларни амалга оширишда ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Маърузада қонун ижодкорлиги ва уларни амалга ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, қонун ва қонунчилик ҳужжатларини қабул қилишда уларнинг умумий принциплари ва механизмларини белгилаб қўйиш билан чегараланмасдан қонунларни амалга ошириш механизмларини аниқлаб берадиган ҳужжатларни ҳам қабул қилиш зарурлиги таъкидланди. Дарҳақиқат, қонунларни қабул қилиб, аммо уларнинг ишлашини таъминлайдиган механизмларни кейинга суриб қўйиш натижада турли соҳаларга оид ислохотларни чуқурлаштириш борасидаги масалалар зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланмай, айрим бўлиқлар юзага келади. Президентимизнинг қабул қилинаётган қонунларда уларни қўллаш амалиётининг аниқ механизмлари тўлиқ ва батафсил акс эттирилиши, уларни жорий этиш механизмлари ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиши лозимлиги тўғрисидаги сўзлари депутатлар зиммасига янада катта масъулият ҳамда янги вазифалар юклатди. Ушбу вазифаларни рўйга чиқариш қонун ижодкорлиги ва қонунчилик ишларини янада тизимлаштириш, қонунларни тайёрлаш жараёнида экспертлар ҳамжамияти билан самарали ҳамкорлик ўрнатилиши, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишнинг янги усулларини жорий этиш, қонун ижодкорлиги фаолиятини прогноз қилиш ва режалаштиришнинг самарали тизимини яратиш талаб этади. Мазкур жараёнларда ЎЗМТДП фракцияси ҳам фаол иштирок этиб, қонун ижодкорлигида ташаббускор

бўлиши, назорат-таҳлил ишларини самарали амалга оширишда партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ёндашишга эътибор қаратиши лозим. Фракциясининг 2016 йилги иш режасини ана шундай талаб ва мақсадлар асосида қайта кўриб чиқиб, олдимизда турган муҳим вазифаларни белгилаб олишимиз зарур. — деди фракция раҳбари.

Шунингдек, партия етакчиси қабул қилинган қонунларни барча тузилмаларга, ижроичиларга ўз вақтида етказиш, қонунларнинг ўзида жавобгарлик масалаларини акс эттириш, қонун ижодкорлигини прогноз қилиш ва режалаштириш масалаларига алоҳида тўхталди. Жамиятда адолатлилик қонунни ўз вақтида ва бекум қўст ижро этиш воситасида юзага чиқади. Шундай экан, парламент ва маҳаллий Кенгашларда мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш орқали улар фаолиятига баҳо бериш, турли соҳаларга оид масалаларни атрофлик муҳокама этиш, қонунчилик асосларини таҳлил қилиш барча даражадаги депутатлар олдида турган муҳим ва долзарб вазифага айланиши лозим.

Йиғилишда Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталарининг амалдаги қонунчиликни хатловдан ўтказиш, "ишламайдиган" ва ўзаро зид нормаларни бартараф этиш мақсадида қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича дастурий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича фаолиятини жадаллаштириш лозимлиги таъкидланди. Депутатлар Президентимиз маърузасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ижроичиларга етказишни аниқ тартибга соладиган, энг муҳими, аҳолини қабул қилинаётган қонунларнинг мақсади, мазмун-моҳиятидан кенг бағдардор этиб боришга қаратилган махсус қонун ҳужжатини қабул қилиш ва амалга ошириш борасида илгари сурилган ташаббусга алоҳида эътибор қаратди. Мазкур ташаббусни рўйга чиқариш мамлакатимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини самарали ҳимоя қилиш тизимини яратишга, одамларнинг давлат институтлари фаолиятига ишончини оширишга хизмат қилиши қайд этилди.

— Давлатимиз раҳбарининг "Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислох этиш ва демократлаштириш,

мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнини янги босқичга кўтаришдан иборат" номи маърузасида илгари сурилган вазифалар ҳар биримизга катта масъулият юклайди. — деди қўшма йиғилишда маъруза қилган ЎЗМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев. — Президентимиз маърузасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг уч омил — юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, аҳолининг тафаккури, дунёқароши юксалиб бораётгани ҳамда бугунги кунда мустақил ва янгилик фикрлайдиган авлод, ўз соҳасининг билимдон бўлган етук кадрлар минборага чиқётганига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳақиқатан ҳам Ватанимизда

фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ соғлом ва баркамол авлодни воёга етказиш, биринчи навбатда, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масаласи устувор вазифа сифатида белгиланганлиги бежиз эмас. — деди ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Феруза Ибрагимова. — Қолаверса, аёллар ва фарзандларга шарқона муносабат, эҳтиром ва эъзоз кўрсатиш — биз учун ота-боболаримиздан қолган ибратли мерос. Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашнинг қонуний асослари ҳам изчил мустаҳкамлаб бормоқда. Жумладан, яқинда қабул қилинган "Жисмоний тарбия тўғрисида"ги, "Аҳолининг санитария-эпидемиология осойишталиги тўғрисида"ги, "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги қонунлар ўз мазмун-моҳияти билан соғлом авлодни дунёга келтириш ҳамда воёга етказиш ишларида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Янги соғлом она ва бола йилида соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш, қабул қилинажак Давлат дастури ҳамда тизимга доир назорат-таҳлил ишларини амалга оширишда фракция аъзолари ҳам партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиши лозим бўлади.

Йиғилишда депутатлар, партия вакиллари келгуси йилнинг Соғлом она ва бола йили деб номланган маъносати билан мамлакатимизда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ва олдимизда турган вазифалар хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг аъзолари, ташкилотлари ҳамда партиядан сайланган депутатлар Соғлом она ва бола йили Давлат дастури ишлаб чиқиш жараёнида, хусусан, юртимизда оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича шаклланган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ишларида бутун куч ва имкониятларини ишга солиб, ташаббускор бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Қўшма йиғилишда фракция ва партиянинг 2016 йилги иш дастури Президентимиз маърузасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб шакллантиришга келиши билан тегишли қарор қабул қилинди.

Қўшма йиғилишда фракция ва партиянинг 2016 йилги иш дастури Президентимиз маърузасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб шакллантиришга келиши билан тегишли қарор қабул қилинди.

лаштириш, қабул қилинажак Давлат дастури ҳамда тизимга доир назорат-таҳлил ишларини амалга оширишда фракция аъзолари ҳам партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиши лозим бўлади.

Йиғилишда депутатлар, партия вакиллари келгуси йилнинг Соғлом она ва бола йили деб номланган маъносати билан мамлакатимизда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ва олдимизда турган вазифалар хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг аъзолари, ташкилотлари ҳамда партиядан сайланган депутатлар Соғлом она ва бола йили Давлат дастури ишлаб чиқиш жараёнида, хусусан, юртимизда оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича шаклланган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ишларида бутун куч ва имкониятларини ишга солиб, ташаббускор бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Қўшма йиғилишда фракция ва партиянинг 2016 йилги иш дастури Президентимиз маърузасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб шакллантиришга келиши билан тегишли қарор қабул қилинди.

ташқари, амалдаги қонунда бухгалтерия ҳисоби ва унинг элементлари тушунчалари, молиявий бошқариш функцияларини амалга оширувчи масъул шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг касб маълумотлари талаблар аниқ кўрсатилган ҳамда бухгалтерлар жамоат бирлашмаларининг мақоми белгиланмаган. Бюджет Кодексининг қабул қилиниши муносабати билан қонунга 2013-2014 йилларда киритилган ўзгариш ва қўшимчалар бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш, бошланғич ҳисоб ҳужжатлари масалаларида айрим ёндашувларни ўзгартиришга ва молиявий ҳисобот шакллари қисқартиришга олиб келди.

Шулардан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ўтган йиллар давомида қонунчиликда юз берган ўзгаришлар билан мувофиқлаштиришга қаратилган алоҳида моддаларни қайта кўриб чиқиш, янги ва аниқлаштирувчи нормаларни киритиш, бухгалтерия ҳисоби ти-

зимини янада ривожлантириш учун халқаро принцип ва стандартларга мувофиқ замонавий шароит ва имкониятлар яратишга қаратилган. Қонун лойиҳасида бухгалтерия ҳисоби тушунчаси, элементлари, субъектлари ва объектлари, масъул шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бухгалтерлар жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб қўйиб тўғри қилинган. Мазкур механизмлар бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш, ички назорат тизимини таъминлаш бўйича ҳужжатли юритувчи субъект ва бухгалтерия хизмати раҳбарларининг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Йиғилишда сўз олган фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳасини демократик кучлар блокининг бир гуруҳ депутатлари тайёрлаб, ҳуқуқ-маънавий таъминоти ва билдирилган тақлифлар қонун лойиҳасида ўз аксини топганини алоҳида эътироф этди. Қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилиб, биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгар-

тиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурининг тегишли бандлари ижросини таъминлаш мақсадида тайёрланган. Ушбу қонун лойиҳасида амалдаги қонунга акциядорлар ва акциядорлик жамиятлари фаолиятига, муносабатларига оид қатор тартибларни белгиловчи ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, қонуннинг айрим нормаларига уларнинг амалиётда турлича қўлланилишига барҳам бериш мақсадида аниқлик киритилмоқда.

Фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳаси юзасидан ўз тақлиф-мулоҳазаларини билдириб, уни биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқуллади.

Йиғилиш сўнггида муҳокама қилинган масалалар бўйича фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Мухтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Депутат сўров киритди

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

ЎЗМТДП гуруҳи аъзолари туман партия ташкилоти фаоллари билан ҳамкорликда масалани атрофликча ўрганиб, назорат-таҳлил натижалари асосида Уйчи туман йўл ҳўжалиги, пудрат таъмирлаш, фойдаланиш корхонасида депутатлик сўровини йўллагач, тез орада ижобий жавоб хати олинди. Айни пайтда "Наманган-Уйчи-Учқўрғон" автомобиль йўлининг 5-8 километри ораллиғидаги йўл жорий таъмирланиб, мазкур ҳудудда жойлашган 3, 35-умумтаълим мактаблари ҳамда 40-мактаб интернати олдидаги транспорт йўлларида пиёдалар ўтиш жойлари белгиланди.

— Мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлашда маҳаллий Кенгашлардаги ЎЗМТДП гуруҳлари ҳам фаол иштирок этишга интилоқда, — дейди халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашидаги ЎЗМТДП гуруҳи раҳбари Одилов Маматқаримов. — Хусусан, ҳудудларни

ҳўрлик қилиш борасидаги ишларга кўмаклашиш йўлидаги дастурий мақсад-вазифалари ижросига хизмат қилади. Шу билан бирга, йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш борасида давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлайди.

Фуқаролар мурожаатлари асосида мутасадди ташкилот ва корхоналар раҳбарларига юборилаётган депутат-



лик сўровлари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Муҳими, ҳеч бир депутатлик сўрови эътибордан четда қолаётгани йўқ. Депутатла-

Эътиборсизликнинг олди олинди

халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашидаги ЎЗМТДП гуруҳи бу борада депутатлик сўровини амалга оширди

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг маънавий-маърифий тафаккурини бойитиш, уларни ҳар томонлама соғлом этиб тарбиялаш борасида изчил ишлар олиб боришмоқда. Партия гуруҳимиз жорий йилнинг шу даврига қадар 20 дан зиёд тақлифни доимий комиссия муҳокама-сига киритди, 89 депутатлик сўровини амалга ошириб, уларнинг деярли барчасини ижобий ҳал этишга эриш-

римизнинг ўз ваколатларидан унумли ва тўғри фойдаланиши аҳоли ва электротар маффаатларини таъминлаш, юрт тараққиётига хизмат қилади. Шу боис партия вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилишларида ҳам маҳаллий вакиллик органларидаги депутатларимиз фаолиятини янги босқичга кўтариш, уларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, депутат кўпроқ одамлар орасида бўлиб, уларни қизиқтираётган маса-

● Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашидаги ЎЗМТДП гуруҳи жорий йилнинг шу даврига қадар 20 дан зиёд тақлифни доимий комиссиялар муҳокама-сига киритди, 89 депутатлик сўровини амалга ошириб, уларнинг деярли барчаси ижобий ҳал этилди.

● Яқинда кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ижросини таъминлашда ЎЗМТДП гуруҳи ҳам фаол иштирок этмоқда

● Партия гуруҳи депутатлик сўрови натижа-сида Уйчи туманида жойлашган 3, 35-умумтаълим мактаблари ҳамда 40-мактаб интернати олдидаги транспорт йўлларида пиёдалар ўтиш жойлари белгиланди, пиёдалар йўлига ташкил қилинди

ди. Уйчи туман йўл ҳўжалиги, пудрат таъмирлаш, фойдаланиш корхонаси-га халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Фазлиддин Муҳиддинов озорган депутатлик сўрови ҳам партиянинг болалар, ёшларга ҳар томонлама гам-

ларини ўрганса, электротар маффаати йўлида фаолият олиб бора-са, аҳолининг партияга нисбатан ишончи янада ортади. Биз интилайдиган кучли фуқаролик жамияти негизига ҳам, аввало, инсон ва унинг манфаатлари устуворлиги мужассам.

Ғафуржон ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Уйчи туман йўл ҳўжалиги, пудрат таъмирлаш, фойдаланиш корхонаси раҳбари:

— Юртимизда йўлларнинг кенг ва раволишини таъминлаш юзасидан кўрилайотган чора-тадбирлар ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилгандир. Тегишли қонун ҳужжатларига кўра, мутасадди идоралар давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда йўллар, йўл иншоотлари, йўл белгилари ва чизиклари, ҳаракатланиш бошқаришнинг техник воситалари, темир йўл кешималарининг ҳолатини ўрганиб чиқиш бўйича ҳар йили камида икки марта (баҳорги ва кузги) мавсумий ҳуқуқ ўтказиши зарур. Шу маънода халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎЗМТДП гуруҳининг депутатлик сўровида ифода этил-

ган эътирозлар ўринли. Партия гуруҳи мурожаати асосида эътиборимиздан биз четда қолган ҳудудлардаги мавжуд вазият атрофликча ўрганиб чиқилди, бу борада ечимини кутаётган масалаларни ҳал этиш, аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарурлиги аён бўлди. Сўров асосида нафақат кўрсатилган ҳудудларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида амалий ишлар олиб борилди, балки "Хўжақўрғон-Ўнҳаёт-Гулистон", "Файзиобод-Ёрқатой-Машад" йўналишидаги автомобиль йўлларида ҳам таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Дарҳақиқат, ички йўлларнинг таъмирланиши, уларда тегишли белгиларнинг ўрнатилиши фуқаролар соғлиги ва ҳаётини асраш, автомобилларнинг эркин ва қоидага биноан ҳаракатланишини таъминлайди.

Манзура ВАЛИЖОНОВА,
Уйчи туманидаги 35-умумтаълим мактаби директори:

— Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини такомиллаштириш масаласига мамлакатимизда доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Шу маънода мактаблар ва боғчаларда йўл ҳаракати қоидаларини пухта ўргатишга катта эътибор берилмаётгани бежиз эмас.

Мазкур фан болаларда йўл ва светофор белгиларини фарқлаш, улар билдирадиган маънони тушуниш борасидаги билим, кўникма ва тасаввурларини шакллантиради. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг йўлларда тўғри ҳаракатланишини таъминлаш, улар ўртасида турли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш учун мактабимизда масъул ташки-

лотлар билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказиб келамиз. Ўқувчиларимизнинг бу борадаги билими тобора мустаҳкамланиб бораётганига қарамай, мактабимизнинг катта йўл ёқасида жойлашгани, пиёдалар йўлига, йўлни кесиб ўтиш учун пиёдалар ўтиш жойининг йўқлиги кўпгина ноқулайликлар, онда-сонда бўлса-да, ноҳус ҳолатларни келтириб чиқариши табиий. Шу боис маҳалламиз фаоллари билан биргаликда мазкур масалаларни ҳал этишда ёрдам сўраб, халқ депутатлари вилоят Кенгашига ҳудудимиздан сайланган ЎЗМТДП депутатига мурожаат қилдик. Натияжада ЎЗМТДП гуруҳининг саъй-ҳаракати билан ҳудудимизда йўл қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди, йўл белгилари ўрнатилиб, пиёдалар йўлакларини ташкил қилинди.

Умида УЗОҚОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Она тили — миллат руҳи

Тошгандан эмас, томчилагандан кўрк

Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асаридида "марказда ва ўзимизда қўлай баҳона кўтиб, пайт пойлаб турган империяпараст кучлар" бор шариҳда ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш билан боғлиқ жараён жуда раво ва ҳаққоний таъсирлаб берилган. Аслида ҳам оғир мустамлакачилик муҳитида юз берган мазкур тарихий воқеа билан боғлиқ ҳолат ва тафсилотларнинг унинг ташаббускори ва ишчи манитиқий якунига етказишга эришган кишигина шундай жонли, ишонarli ҳамда барча учун тушунарли тарзда ёритиб бериши мумкин. Асарнинг тил масаласига бағишланган сатрлари қуйидаги сўзлар билан бошланади: "Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намойиш бўлади. Жамият эзгу фазилятлар инсон қалбига, аввало, она тили, она тилининг бетакрор жоғи билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир". Ҳа, тилининг миллат, унинг тарихи, бугуни ва эртасидаги ноёб ўрни ҳамда таъсири борасида бундан-да ортқчи баҳо бўлмас керак.

"Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинишининг аҳамияти тўғрисида ҳар қанча тўқинлашиб, гурурланиб гапирсак арзийди. Бироқ Президентимизнинг эришилган марралардан ҳаволаниб кетмаслик, ўтмиш ютуқларга маҳлиё бўлиб қолмаслик хусусидаги муттасил оғохлантиришларидан келиб чиқиб, асосий эътиборни тилимиз билан боғлиқ бир қатор жиддий муаммоларнинг таҳлили ва ечимларига қаратсак.

Бизда бир қизиқ одат бор: бирон жиддий муаммони билиб турсак-да, турли сабабларга кўра ўзимизни кўриб-қўрмасликка, сезиб-сезмасликка оламиз. Вақти-соати келиб, ташаббус юқоридан чиқиб масала кўндаланг қўйилганда эса билагонлик, қуюнчақликда ким ўзарга пойга ўйнаймиз. Муаммо ҳал бўлгач, яна тин олиб бамайлихотирликка бериламиз. Тил билан боғлиқ масалалар ҳам бундан мустасно эмас. "Давлат тили ҳақида"ги қонун кучга кириши билан биз, бўлди энди, бугёнга жараён ўз-ўзидан кетаверди, деб ўйлайди. Шундай қонун борлиги ва уни бажариш лозимлигини 21 октябрнинг уч-тўрт кун нари-берисида эсласак эслаймиз. Кейин эса тагин бир йил ҳовримиз босилиб юрмиш. Холбуки, бошқа соҳалардан фарқли ўлароқ тил узлуқсиз эътиборни тақозо этадиган омилдир. Бирон бир маҳсулот йиллаб айнимасдан туриши мумкин, аммо тил ҳар кунги, ҳар соат, дақиқа, сониядаги ҳушёрликни талаб қиладиган ноёб ҳодиса саналади.

Фуқаролик жамияти ҳақида ҳақли равишда кўп гапирмиш унинг мақсад ва моҳиятини чуқур англаб етмаганлигимиз сабабидан бўлса керак, кўпроқ бизга асосан четдан тикиштирилатган қолиплар доирасидан чиқиб кетолмаймиз. Мазкур масалага тил нуқтаи назаридан ёндашсак, ўзбек тили тўғрисида доимий қайғуриш аслида жамият, унинг ҳар бир аъзосининг бурчидир. У кимлигининг аҳамияти йўқ; давлат шизомаччисини, масалан, депутат ёки олим, шоир, ёзувчи, журналист, рассом, ўқитувчи, шифокор, фаррош, ишбилармон, уй бекаси, хайдовчи ва ҳ.к. Бирон қонун муайян соҳага тегишли шахсларнинг амадорлиги олиши мумкин, бироқ "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг тақдирини ҳаммамизга боғлиқ. Таъбир жоиз бўлса, айнан ушбу қонун ҳар биримизнинг фуқаролик масъулиятимизни ва, демак, фуқаролик жамиятида тутган ўрнимиз сависини белгилаб беришда ўзига хос синон, десак адашмаймиш. Негаки, ҳар қандай миллат ўзлигининг мағзини тил жонлантиради, негаки, миллий ғоя, мафкура, тарих, маданият, эътиқод тил воситасида, унинг ёзув, сўзлашув, кўрсатув, эшитув шакллари орқали яратилади, тарқатилади, етказилади, таъсир кўрсатилади.

Миллатимизнинг минглаб йиллик турмуш тажрибаси ўлароқ тузилган "Элнинг оғизига элак тутиб бўлмас", "Айтилган сўз — отилган ўқ", "Тил тигдан ўткир", "Хабар шамолдан тез", "Дунёни ел бузар, одамни сўз", "Кишининг ўзи етмаган ерга сўзи етар", "Сўз оёқдан илгари борар", "Фил кўтармагани тил кўтарад", "Ун оғиз сўз минг оғиз бўлар", "Ўттиз тишдан чиққан сўз, ўттиз уруққа тарқалар", "Ўқ бирни ўлдирар, сўз мингни", "Куч эгмагани сўз эгар" қабилидаги ҳикматлари бежиз айтилмаган. Ахборот тайёрлаш, узатиш ва тарқатишнинг восита ҳамда турлари чўққи-га чиққан ҳозирги замонда ушбу ҳаётий ҳулосаларнинг қиммати ошса ошдики, асло қаймайди. Шу маънода, тилининг ёзув, сўзлашув, кўрсатув, эшитув кўринишларидаги қўлланиши асосида пайдо бўлиб, эндиликдаги ривож тенгсизлик касб этиб бўлган оммавий ахборот воситалари, ташқи ёзувлар, жумладан, рекламадан иборат улкан, таъсирчанликда ҳар қандай миллат ва дав-

лат борлиғида ўта аҳамиятли соҳага тўхталиш ҳам табиий, ҳам заруратдир. Бугун теле-радио каналлар, ёзма нашрлар кўп, қараш ва ёндашувлар турфа. Аммо айнан оммавий ахборот воситалари, айниқса, улардаги оммабоп (спорт, саёҳат, кўнгило-чар, тарих, маданият, маърифат, илм-фан ютуқлари ва шунга ўхшаш йўналишлардаги) кўрсатув, эшиттириш, мақола ва бошқаларнинг кенг маънодаги тил жараёнига таъсири ҳам ижобий, ҳам салбий маънода жуда катта ва сезиларлидир.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Кейинги пайтда анчайин тез учраётган бир ҳолат — чет тиллардаги сўзларни асоссиз ва пала-партиш қўллаш билан боғлиқдир. Бу борада "етақчиллик" энг оммавий тармок — спортга бағишланган телеканал, нашр, сайтлардадир. Миллионлар ўйини мақомини олган футболга бағишланган шарҳлар, мақола ва хабарларда учрайдиган сўзларга қаранг: темп, аут, старт, тур, офсайд, секунд, сейв, траектория, подкат, супер, лайсмен, фол, молодцы, тайм, рейд, стандарт, плеймейкер, финт, факт, пас, зона, гранд, дриблинг, цикл, спектакл, реванш, оптимист, прессинг, вингер, дебютант, мимика, трансфер, функция, провакация, мотивация, легионер, картина, дисквалификация, индивидуал, техника, формат, амплуа, форма, фаворит, вариант, реакция, план, минимал, рикошет, раунд, детал, селекция, эпизод, картошка, фантастик, рефери, бригада, реванш, чемпион, чемпионат, держава, жентельмен ва шу сингларилар. Шу мисолнинг ўзида 60 дан ортқчи сўз бор. Бошқа йўналишлар, жумладан, киноасарлар, турли кўрсатув ва эшиттириш, босма нашрлар, реклама ва сайтларда ҳам шунга ўхшашлар етарли: аферист, линия, салон, эпизод, имиж, заказ, симптом, диджейнер, визажист, стилист, дегустатор, ингредиент, индекс, лидер, гамма (ранглар гаммаси), корпус (қўл телефони корпуси), аксессуар, регистрация, администрация, диета, агент, эволюцион, гранула, ансамбль, фолквор, сендвич, эрудитция, сорт, кроссворд, монументал, информация, бонус, делегация, комбинация, инвестиция, композиция, образ, подводка, тенъ, макияж, салфетка, дуэт, контраст, йнвёстор, шантаж, тонал, креатив, шедевр, глазури, конденсация, стоп, статус, пессимист, эмоцинал, идеал, декорация, интенсив, антипар, авено ва бошқалар. Оммавий ахборот воситаларида градус, минут, секунд, сутка кабиларни қўллаш яна одатга айланганини гапирмасам ҳам бўлади. Аммо қиличбозлик бўйича жаҳон биринчилигига доир шарҳдаги "шамшир ва шпага"ни эшитганимда, қуюшқондан чиқиб кетилаётганини сезасан.

Англаган киши учун бу — жиддий жавоитр. Негаки, биринчидан, тилга олинганлар деярли барчасининг ўзбекча мувоқили бор, иккинчидан, тегишли қўшимчалардан фойдаланиб янги сўзлар яратиш у ёқда турсин, (масалан, жентельменларча, аксессуарлар, сорларга, гранулалар, лидерлик, конденсациялашади...), сўз туркумлари ёрдамида улардан гап тузиш жараёни бошланиб бўлди; эволюцион гранулалар, ўйин картинаси ўзгармади, иккинчи темпни қўлламоқдалар, рақибнинг провакациясига учин асло ярамайди, прессинг қилиш керак, старт ёмон бўлмаганди, олдинги планга чиқмоқда, тайм охирига етмоқда, фол ишлаб олди, прессинг қўлламоқда, ҳаракат динамикасига эътибор беринг, позиция ҳужум ташкил этди, тўп рикошет бўлиб траекториясини ўзгартирди, урашувга старт берилди, тактик схема қўллаш лозим, монументал асар яратиш, креатив қилди...

Шунингдек, "Футболчилар машгулотлар вақтида ва тикланиш жараёнида уларни исстеъмол қилиб, оптимал спорт формаларини йиғишда фойдаланмоқдалар", "мурабийлар штаби футболчиға юктамалар (топширик, вазифа демоқчи) ишлаб чиқади", "амалга оширилмаган пенальти" қабилидаги русчадан тўғридан-тўғри таржима етмагандай, ўзбекча гапларни рус тили илмий қоидалари асосида тузиш майли, кўникмаси аққоллашиб бормоқда: Сардор Рашидовни зарарсизлантиришга улгуришди (успели обезвредить Сардора Рашидова), ўйинни, рақиб ниятини ўқимоқ (прочитать игру, замысл противника), марш уйга (ну-ка, марш домой), кимларни кўраяман (кого я вижу), бирга кўрамиз (вместе посмотрим), зарбани қабул қилиб олди (принял удар), қандай зарба (какой удар), иккинчи қаватда галаба қозонди (переиграл на втором этаже), Бензема боши узра қора булутлар (черные тучи над головой Бензема), катта эҳтиомол билан Филиппин Яман каби ёпик ўйин қилмайди (с большой долей вероятности Филиппин как Йемен не будет вероятовать закрытую игру), сизлар билан африкалик акробатлар бўлди (с вами были африканские акробаты)...

Ташқи ёзувлар соҳасида куртак отаётган киши билмас "янгилик"ка эътибор қаратсак: Cafe Qadriy, Supermarket Sunday. Рус, умуман ҳинд-европа гуруҳи тиллари илмий қоидалари нуқтаи назаридан бу тўғри, лекин ўзбек тили талабларига кўра Qadriy kafesi, Sunday

supermarketi бўлиши лозим эмасми?! Илгари закрито, открыто сингариларидан қутилиш бўйича қуюнардик, бугун улар қаторида орен, close кабиларга тутилиб бўлди. Спиртли ичимликлар сотувчи дўконлар пешваҳаларидаги "Вино-водка", "разливное пиво", қатор хизмат кўрсатиш масканлари "пешонаси", эшикларидидаги "мы открылись" сингарилар билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Sunday фирма номи бўлиши мумкин, бироқ шу кетишда кетса, эртага нима бўлади? "Mahalla" телеканалда қайсидир миллий (?) киноасардаги лавҳага кўзим тушиб қолди: болакайлар ўзаро гап талашяпти, бири денгизчиларнинг "Черноморский флот" ёзуви бош кийимида, бири "полный вперед", деса, иккинчиси "йес" дейди. Энди бунга қулишингни ҳам, қуйишингни ҳам билмайсан. "Оммавий маданият"га қарши минг кўрашайлик, бироқ тилга олингандек тез тарқар ва тез сингар нарсаларни ўз қўлимиз билан яратиб, оммага тикиштирар эканмиз, бизга ташқи душманнинг кераги ҳам йўқ! Қизиги ва сергак тортирадигани, дунёқарши мустақиллик йилларида шаклланган, таълим, айниқса, илмий таълимни истиқлол даврида олган нисбатан ёш шарҳловчи ва журналистлар, умуман ижодкорларнинг луғати аслида бундай бўлиши керак эмас-ку! Шу кетишда кетса, келажак қандай тус олишини Гидрометеорология хизмати марказининг ўзбекча ахбороти мисолида олдиндан тасаввур қилса бўлади: have o'zgarib turadi, in the evening bo'lishi mumkin yomg'ir. Русчаси доимидек тўғри берилган: переменная облачность, к вечеру возможен дождь.

Хўш, муаммо нимада?

Гурур ва савия

"Биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз" шiori аслида фалсафадир. Миллий фалсафа! Ўз ҳаётий кузатиш ва таҳлилларимиз ҳулосасига кўра миллатни ҳар қандай шариҳта асрайдиган, турли синонларга бардошли қиладиган, ўрганишдан эринмасдан, уялмасдан олдинга бошлайдиган омил айнан гурурдир. Миллат эса — сиз-у биз, ҳар биримиз. Ушбу оддий ҳақиқатни барчамиз, айниқса, зиёлилар эсда тутишлари шарт! Сўз юритилаётган йўналишлар вакиллари айнан мазкур тоифага мансуб бўлганлари ҳолда она тилимизни асраш, тил маданиятини юксалтириш масаласида ибрат, етакчи бўлишлари лозим. Амалда қандай бўлаети?

"Бекажон" газетасида "Менинг статусим" рукнидаги "Ҳозирги замонда Ромео ёки Жульетталарнинг йўқлигида замонавий ёшларнинг айби йўқ, Ҳамма айб Шекспирнинг йўқлигида" ахборотида гап статус сўзидагина эмас. Нима бисотимизда севинган икки қалб кечинмалари юксак даражада бадиий ифода сини толган асарлар, улардаги ёрқин сиймолар йўқми? Тоҳир ва Зухро, Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин, Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раъно. Мазкур нашрдаги бошқотирмаларда учраётган "ихтиро"ларга ҳайрон қолсан киши: Ева ёри(миф.) — Адам; от (шахматда) — асп; зирх — броня; чарм, кожа — тери; институт дарс соати — пара; футболчи "чулки"си — гетри; соат стрелкаси — мил; усул, стил, йўсин — услуб; нодир, уникал — камбё; ниқоб — маска; Эмили... (фокусчи) — Кио; қонди кўз ёши — ашк; қимматбахо теллак тури — норка; жангда сақланиш учун хандақ — окоп; шеърый бағишлов — ода; лаққа балиқ — сом...

Телеканаллардан бирида "Brain test" кўрсатуви бор. Инглизчада мия ва синон маъноларини берадиган шу икки сўздан тузилган бирликдан мақсад мияни синаш, ақлни пешлаш эканлиги шубҳасиз. Ёш авлоднинг ақлини пешлаш бу зарурат ва савоб, аммо тилни хароб этиш ҳисобига эмас-ку! Биронта ўзбекчона ном топилган Навоий тили панд бермас керак. Телеканалларимиздаги айрим кўрсатувларнинг "Uzex", "Мобиль камера", "Roypaxt intervyy", "Tele-market", "Интерфутбол", "Техноспорт", "Sportreport", "Face sport", "Бизнес старт", "Агроолам" тарзида номланиши бизнинг "замонавийлашиб" бораётганимиз-у лугатимизнинг қашшоқлигидан дарак беради, деб ўйламаймиз. Бу номларда маълум бир асос, зарурат, мантик бор ҳам дейлик. У ҳолда нима сабабдан "Устурлоб" кўрсатуви "Астролябия" деб берилмади, нима учун кўрсатув номларининг айрим кириллда, бошқаси лотинда? Худди шунингдек, бошқотирмалардан биридаги "москвалик фуқаро" жумбоғи ва унинг "рус" дейилган жавобида қандай боғлиқлик ва мантқиқ бор? "Arte!" телевизорлари рекламасидаги "сервис хизмати"дачи? (service — хизмат, хизмат кўрсатиш). "Маҳаллий абориген"даги "абориген" ерли, маҳаллий аҳолини билдиришини англаш шунчалар қийинми?

"Madaniyat va ta'rifat" телеканалдаги "Китобхон шоу" кўрсатувининг номланишидаги "шоу" ҳеч бир қуюшқонга сиймайди. Канал ва кўрсатувининг моҳияти ҳамда вази-фарларидан келиб чиқиб шундай кескин баҳо бераямиз. Аммо бошқалар "шоу"ни ишла-таверсин, дегани эмас. Шоу бу кўрсатиш,

кўрғазма, нари борса, томоша дегани эмасми?

Оммавий йўналишларда тилининг сўзлашув, кўрсатув, эшитув йўллари орқали ишлайдиганлар уларнинг савияси кўпчиликка тақдим этилаётган маҳсулот сифатини белгилаб бериши орқали жамиятимизда тил маданиятини юксалтириш ишига катта таъсир кўрсатишини тушуниб етишлари лозим. **Демак, бу соҳа вакиллари аввало, она тилининг билимдони бўлиши шарт!** Шу ерда телеканалларимиздаги таърифлардан айримларига диққатни қаратсак: "бу масканнинг хавоси баҳаво бўлиб", "1 сентябрда давом этадиган дам олиш жараёни марокли давом этмоқда", "амалий ишлар амалга оширилмоқда", "ислохотларни чуқурлаштириш йўлида чуқур изланишлар". Теле, радио каналларимизда бу каби хатолар етарли даражада учрайди. Уларни дабудрустан ёки бошқа соҳа вакиллари айтса, тушунишга ҳаракат қилмоқ мумкин, аммо касби тил билан боғлиқ, устига устак матни олдиндан тайёрлаб оммага тақдим этадиганлар учун кечирилмас ҳолат.

"Тилининг суюғи йўқ"лиги бежиз ургуланмаган. Бундан чиқди, оммавий ахборот воситалари, ташқи ёзувлар тизимида меҳнат қилаётганлар уни, аниқроғи, уларини назорат қилишлари лозим. "Ҳақам ўйиннинг асосий вақтига яна беш дақиқа вақт қўшиб берди", таъкид бехато туюлса-да, лекин ўйиннинг белгиланган, яъни асосий вақти 90 дақиқа, унга яна бир неча дақиқа қўшиб мумкин, вақт эмас. Зеро, вақт чексиздир. Бошқа бир мисол: спорт турлари, айниқса, футбол кўрсатилаётганда "жонли эфир" ишорасига кўзимиз тушади. XVII асрда Рене Декарт олға сурган эфир ҳодисаси XX аср бошларида Алберт Эйнштейннинг нисбийлик назарияси билан йўққа чиқарилган. Радио илгарироқ пайдо бўлгани сабаб эфир тушунчаси аввал чор Россияси, сўнг совет империяси кенглигида сақланиб қолаверган ва табиий равишда бизга ҳам ўтган. Шу муносабат билан элликдан ортқчи тилларда мазкур ҳолатнинг аталишини текшириб чиқдик ва тахминимиз оқланди: умуман эфир, хусусан, жонли эфир ёндашуви, асосан, собик империя кенглигидагина сақланиб қолган, холос. Бошқаларда: live, diretta, vivo, na zuvo, зенде, мубашшир, canlı (жанли)...

Миллионлаб кўрувчи, эшитувчи, ўқувчи — омма билан ҳар сонияда ишлашга чоғланганлар тил устаси бўлиш баробарида адабиёт, санъат, тарих, география фанлари юзасидан ҳам етарли билимга эга бўлишлари даркор. Акс ҳолда "ковун туширишлари" ўз йўлига, кишиларимиз, айниқса, ёшлар орасидаги маърифатпарварлик ишига катта зиён етказадилар. Телеканаллардан бирида берилган қайсидир миллий (?) киноасардаги лавҳада, Гитлер биз томонга қараганда, Рустами дoston бобомиз уни ундок қилди, бундок қилди, дея майнавозчилик қилинади. Ваҳоланки, Рустами дoston бизнинг аждод эмас, эронликларнинг Туронга қарши курашдан афсонавий қаҳрамонидир. "Шоҳнома" асари учун Фирдавсийни муносиб тақдирламагани учун Маҳмуд Газнавий мустамлака даврида ёмон отлик қилинарди. Холбуки, шоир ўз асарида Эрон ва Турон қарама-қаршилигини баён этиб, эронлик пахлавонлар, жумладан, Рустамни улугулаган. Туркий ҳукмдор Маҳмуд Газнавий бундай асар эгасини ортқча олқишламаслиги табиий эди. Биз эса Рустами дoston бобомиз деб энг оммабоп йўналишлардан саналмиш кино санъати орқали миллионларга тарғиб этсак... Е бўлмас, "Uzreport" каналининг Тож Маҳалга бағишланган кўрсатувида бобурийлар ўрнига Буюк мўғуллар империяси, деб турилса?!

Радиолардан биридаги суҳбатда парда тикувчи "парда бизга Х асрларда Европандан", "Diyon" каналда бир билагон "кулф бизга Хитой, Германия ва бошқа мамлакатлардан" кириб келган, деб турса, додингни кимга айтсан. 2700 йиллик шаҳарсозлик маданиятимиз ҳақидаги илмий асослар пуч гаплар, музейларимиздаги ашвейи далиллар ҳеч нарса экан-да, Х асргача ўзбек пардасиз ўтирган экан-да... Тарихни билмасликка оид яна бир қизиқ мисол. Телеканаллардан бирида тарихий атамаларнинг тикланишини ургулаш асосида "Чигатой Оқтепа" маҳалласининг номи келтириб ўтилди. Ахир, Чигатой Чингизхоннинг ўғли, юртимиз, минтақамизда мўғуллар ҳукмронлиги йилларида тузилган маъмурий бирлик — улус бошлиғи бўлган-ку!

Шу хусусда яна бир мисол "Заковат" (!) кўрсатувидаги савол билан боғлиқ: қадимги форсларда ўн минг кишилик қўшин тури бўлган ва у энгилмаган, унга берилган ном фақат Оллоҳга хос бўлиб, инсонларга берилмаган, бу қандай ном дейилади. Иштирокчи эса бу туман бўлиб, бугун ҳам маъмурий бирлик сифатида қўлланилади ва форсчада ўн мингни англади, деб жавоб берди... Холбуки, туман форсча сўз эмас, қолаверса, узок йиллардан бери Турон ва Эрон ўтмиши, хусусан, ҳарб иши тарихини ўрганаётган олим сифатида саволда кўзда тутилган қўшин тўғрисида эшитмаган эканмиз, аммо тўғри жавоб "ўлмас"лигини эшитиб ёқа ушладик, ўлмас ўзбекча сўз бўлса, гап эса форслар ҳақида кетмоқда, агарда жавобда ўлмаснинг форсчадаги муқобили назарда тутилган бўлганда ҳам иштирокчилар форсчани билмайдилар-ку?

(Давоми кейинги сонда)

Азамат ЗИЁ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси,
тарих фанлари доктори, профессор

Матбуот анжумани

Кўп қаватли турар-жойларда видео-кузатув мосламалари ўрнатилади

15 декабрь куни Тошкент шаҳар ҳокимида пойтахтимиздаги кўп қаватли турар-жойлар, маҳалла ва мавзеларда видео-кузатув мосламаларини ўрнатиш борасида олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Тошкент шаҳридаги нотурар жой объектлари, кўп қаватли турар-жойлар, маҳалла ва мавзеларда видео-кузатув мосламаларини ўрнатишга оид ишлар ҳақида сўз борди. Бу ҳақда шаҳар ҳокимининг тегишли фармойишлари қабул қилинган.

Тошкент шаҳрида мавжуд кўп қаватли турар-жойларга, маҳалла ва мавзеларда ташқи видео-кузатув мосламаларини ўрнатиш тавсия этилмоқда, — деди Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бир-лашмаси бош директори Илҳом Маҳмамов. — Бундан кўзланган асосий мақсад — кўп қаватли турар-жойларнинг умумий фойдаланишдаги муҳандислик тармоқлари, ертўла ва чордоқ қисмларини техник соз ҳолда сақлаш, турли нуқсоний ҳаракатларга чек қўйиш ҳамда аҳоли хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Видео-кузатув мосламаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш хизмати махсус ташкил этиладиган корхона ва ташкилотлар, бошқарув сервис компаниялари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан ҳар бир хонадон билан тузиладиган шартномалар асосида ташкил этилади. Бино-иншоотларга ўрнатилган видео-кузатув мосламаларида қайд этилган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича ҳуқуқни муҳофаза этувчи идора-ларни хабардор қилиш ва улар сўровига биноан электрон ёзувни тақдим этиш мазкур хизматни ташкил этувчилар зиммасида бўлади.

Дастлаб Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда туман ҳокими биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида ишчи гуруҳлари тuzилиб, ҳудудларда видео-кузатув мосламаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш хизматини кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар аниқланади. Сўнг кўп қаватли уйлар, маҳалла ва мавзеларда видео-кузатув мосламаларини ўрнатишга киришилади. Видео-камералари жойлаштиришда кўп қаватли уйларнинг кириш-чиқуш ҳудудлари, маҳалла ва мавзеларнинг йўл ва йўлаклари тўлиқ қамраб олиниши зарур. Кузатув мосламаларининг марказлашган кузатув хоналари ҳудуд профилактика нозирлари хизмат хоналарида ташкил қилинади.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб қайтарилди.
Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Экология

Атроф-муҳит муҳофазаси ва ёшлар

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетидида Ўзбекистон Экология ҳаракати Тошкент шаҳар ҳудудий бўлишмаси томонидан "Баркамол авлодни тарбиялашда экологиянинг роли" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда мамлакатимизда экологик сиёсатни амалга оширишда аҳоли, айниқса, ёшларда табиатга эҳтиёткорона муносабатни шакллантириш, соҳага оид таълим тизимини юксалтириш муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Мамлакатимизда ер, сув, ҳаво ва бошқа табиат неъматларига зарар етказилишининг олдини олиш, чиқиндиларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини қайтаришга йўналтирилган кўплаб дастур ва лойиҳалар ҳаётга таътиб этилаётир. Жумладан, таълим соҳасидаги лойиҳаларда ўқувчиларга ижтимоий ва табиий фанлар орқали долзарб экологик муаммолар ва уларнинг ечимини ўргатиш, соҳага оид конференция ва семинарлар ташкил этиш, уларга ёшларни кенг жалб этиш каби масалалар кўзда тутилган.

Тадбирда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, ёш авлодни тарбиялашда экологик таълим-тарбиянинг ўрни, экологик таълимнинг ҳуқуқий асослари, ёшларда экологик дунёқарошни шакллантиришда таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Талабалар томонидан экологик муаммоларга оид саҳна кўринишлари намойиш этилди ҳамда гуруҳлар ўртасида мусобақа ташкил этилди. Бу ёшларнинг экологик билим ва қўникмаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладди.

Н.НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири

Фуқаролик жамияти

Конституция ва инсон ҳуқуқлари

Бош мақсадимиз — адолатли жамият куриш

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан босқичма-босқич, қатъий ҳамда изчил одимламоқда. Зотан, Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, "Конституцияда бизнинг бош мақсадимиз — фақат ҳуқуқий демократик давлат эмас, балки адолатли жамият куриш экани аниқ-равшан белгилаб берилган".

Чиндан ҳам истиқлол туфайли соҳибқирон Амир Темурнинг "Куч — адолатда" ҳикмати бизга ўзининг бутун мазмун-моҳиятини кенг очди. Юртбошимиз бу пурмаъно нақлни янада ривожлантириб, "Адолат — қонун устуворлигида", деб таъкидлар экан, худди шу ҳаётий тамойилга қатъий амал қилиб яшашимиз зарурлигини алоҳида таъкидлади. Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси ҳам аслида ҳар бир фуқаронинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устувлиги таъминланиши, яъни адолатнинг қарор топиши демакдир. Асосий қонунимизнинг 14-моддасида белгиланганидек, "Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади".

Давлатимиз раҳбарининг қадимги дунё доғишаманлари "Нимаики қонуний бўлса, у — адолатлидир", деб таъкидлаганларига эътибор қаратиб, бу билан ўша улуг зотлар "айнан қонун адолат манбаи ва мезон эканини уқтирганлар", деган сўзларини тинглар эканман, беихтиёр Мир Алишер Навоийнинг адолат ҳақидаги ушбу рубоийси ёдимга тушди:

Адл айлаки, ул халқ ҳаёти бўлмиш,
Хуш ул киши ким,
Адл сифоти бўлмиш,
Хам мулк била адл жиҳоти бўлмиш,
Хам адл била мулк саботи бўлмиш.

Яъни, адолат айлаки, халқнинг ҳаёти шу асосга қурилган. Яхши киши адолатни касб қилиб олади. Ҳуққонлиқ адолат билан мустаҳкам бўлади, бинобарин, ҳуққонлиқ ва адолатни бирга олиб борган маъқул.

Қаранг, бундан қарийб олти юз йил илгари яшаб ўтган Навоий бобомизнинг ҳам адолат тушунчасига ёндашувлари бугунги кунда амалга ошираётган туб ислохотларимизнинг мазмун-моҳиятига сингдирилган адолат, ватанпарварлик ва юксак инсонпарварлик эзгу тамойиллари билан том маънода уйғун ва ҳамоҳанг экан!

Ўзбекистонда қисқа тарихий муддатда икки миллий давлатчиликни шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Мамлакатимиз барча ривожланган ҳуқуқий давлатлардаги каби уч ҳокимиятга, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига тақсимланди. Халқ фаровонлиги йўлида кучли ҳуқуқий давлатдан адолатли фуқаролик жамияти сари илдам қадам қўйиш мақсадида эркин бозор муносабатларига асосланган кучли иқтисодиёт барпо этилди. Шу тариқа юртимиз халқро ҳуқуқнинг тўлақонли ва тенг ҳуқуқли субъектига айланди. Албатта, буларнинг барчасига Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббускорлиги ва раҳнамолиги туфайли эришилди.

Давлатимиз раҳбари маърузада фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда демократик кадрлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, унинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти юксалиб бормоқда. Бугун юртимизда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари сони 8,2 мингдан ошди. Улар давлат ташкилотлари билан ўзаро ижтимоий ҳамкорлик асосида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъ-

минлашга кўмаклашмоқда. Фуқароларнинг 10 мингдан ортиқ ўзини ўзи бошқариш органлари худудларда амалга оширилаётган демократик ислохотларни ривожлантириш ҳамда амалга оширишга катта ҳисса қўшмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг сони 3,6 баробар кўпайиб, ҳозирги вақтда 1,4 мингдан ортиқни ташкил этмоқда. Инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, жамиятда қонунга иттифоқлик ва адолат қарор топиши борасида мазкур институтларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Шу маънода АҚШда фаолият кўрсатаётган "Гэллал институти" номли ижтимоий фикрни ўрганиш маркази томонидан "Қонуний тартибларга иттифоқ килиш индекси" деган мавзуда 2015 йилда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон дунёдаги 141 та давлат орасида 2-ўринни эгаллагани нҳоятда аҳамиятлидир. Юртбошимиз айтганидек, "Бизнинг бундай ўта муҳим масала, яъни юртимизда тинч ва осуда ҳаётни асраш ва ҳимоя қилиш бўйича мана шундай юксак даражага кўтарилганимиз, бу соҳада олиб бораётган ишларимиз халқро миқёсда кенг эътироф этилгани, ҳеч шубҳасиз, барчамизга гурур ва ифтихор етказди".

Инсон ҳуқуқлари — олий конституциявий қадрият

Дастурий маърузада ҳуқуқий давлат ва адолат тушунчалари билан узвий боғлиқ бўлган яна бир муҳим мавзу кўтарилди. Яъни, Президентимиз таъбири билан айтганда, "фақатгина ҳуқуқий давлат шароитида демократик тартибга эришилади ва шундай тартиб сақланади, демократик институтлар ва қадриятлар ҳаётга татбиқ этилади, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, энг асосийси, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси амалда таъминланади".

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги мустаҳкамланган. Шу асосда мамлакатимизда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг миллий тизими яратилди.


Биринчидан, инсон ҳуқуқлари муҳофазаси йўлида мустаҳкам қонунчилик тизими барпо этилди. Истиқлол йилларида инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир конституциявий қонунлар, 16 кодекс ва 650 дан ортиқ қонунлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Хайрия тўғрисида"ги ва бошқа қонунларнинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга замин бўлмоқда.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан воситасини барпо этиш, халқро ташкилотлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва аҳолининг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини шакллантириш мақсадида ўтган даврда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими шакллантирилди. Жумладан, ҳозирги кунда юртимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази каби инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолият кўрсатмоқда. Олий суд ҳузуридa Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ва Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқлари бўйича бўлинмалар ва бошқармалар самарали иш олиб бормоқда.

Учинчидан, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида узлуқсиз таълим ва маърифий ишлар тизими шакллантирилди. Бугун юртимизда ҳуқуқ ҳимояси мавзусида йигирмадан зиёд иختисослаштирилган журнал ва газеталар chop этилмоқда. Барча мак-

таб, коллеж ва лицейда, олий таълим муассасаларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ўрганилмоқда. Шунингдек, маҳаллаларда ҳуқуқий саводхонликни ошириш ишлари тизимли асосда йўлга қўйилди.

Аҳолининг қонуний ҳуқуқларидан самарали фойдаланиши учун жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ҳуқуқий таълим ва маърифатни, ҳуқуқий билимлар тарғиботини яхшилашга йўналтирилган кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганига эътибор қаратиш мақсадга



мувофиқдир. Чунки давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очкилиги ва ошқоралиги қонуний асосда таъминланаётгани улар фаолияти самардорлигини ошириб, фуқароларнинг улар билан мунтазам алоқада бўлишига кенг йўл очди. Бу жараёнда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан унумли фойдаланилмоқда.

Шу ўринда Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим масалалари бўйича эксперт Томас Паттерсон (Буюк Британия) ҳақли эътирофини эслаш ўринли: "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва барча қонун ҳужжатларида инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш билан боғлиқ жиҳатлар тўлиқ муважжадан экани ва улар амалда ўз ифодасини топаётгани диққатга сазовор".

Тўртинчидан, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, суднинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган тақдирли, ҳуқуқий чора-тадбирлар туфайли бу соҳа инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли муҳофаза этадиган мустақил давлат институтига айланди. Айна вақтда юртимизда прокурор ва адвокатнинг тенглигини, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишув бўлишини таъминлашга оид ҳуқуқий асослар яратилган.

Юртимизда жинойий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсат изчил такомиллаштирилиб, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги янада эркинлаштирилмоқда ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштирилмоқда. Булар, ўз навбатида, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари қатъий таъминланишига хизмат қилаётди.

Айни чоғда маърузада Ўзбекистон Республикаси худудидa қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши билан боғлиқ камчиликлар танқидий таҳлил этилган кўлаб амалий мисоллар ҳам келтириб ўтилди. Буларнинг барчаси Президентимиз уқтирганидек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўзларининг асосий вазифаси, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, қонун ҳужжатларининг талаб ва нормаларига сўзсиз риоя этиш эканини теран англаб олиши учун ҳали кўп иш қилишимиз кераклигидан далолат беради.

Бешинчидан, мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича етмишдан ортиқ халқро ҳужжатга қўшилган. Жумладан, Ўзбекистон БМТнинг ўрта асосий ҳужжатини ратификация қилган. Давлатимиз инсон ҳуқуқлари ва эркинлигига риоя этиш ҳамда уни ҳимоя қилиш борасидаги мажбуриятларини тўла бажариб келмоқда. Айниқса, истиқлолнинг илк йилларидаёқ инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг Ўзбекистон парламенти томонидан тасдиқлангани гоёта муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқро мажбуриятлар ижроси бўйича БМТнинг тегишли органларига доимий ва ўз вақтида миллий

ҳисоботларини тақдим этмоқда. Уларнинг тавсияларини бажаришда давлат идоралари, фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари ва бевоқиф фуқаролар фаол иштирок этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий

лохотларнинг муҳим дастурига айланди. Шу асосда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасини слоҳ қилиш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, бозор ислохотларини либераллаштиришни янада чуқурлаштириш йўналишларида амалга оширилган туб ислохотлар мамлакатимиз барқарор тарққиёти, халқимиз фаровонлиги учун пухта замин яратди. Мазкур Концепцияда, БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Стефан Приснер алоҳида қайд этганидек, "Президент Ислам Каримов инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият даражасига кўтарилган жамият барпо этишга эътибор қаратгани диққатга сазовор". Умуман, турли халқро анжуманларда нуфузли хорижий экспертлар томонидан мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлат қурилиши ва жамиятини ривожлантиришнинг, ички ва ташқи сиёсатнинг энг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланганига катта қизиқиш билдирилмоқда. Ўзбекистон шахс ҳуқуқлари ва эркинлигини ишончли ҳимоя қилишнинг қатор йўналишлари бўйича кўлаб мамлакатларга намуна бўлаётгани эътироф этилмоқда.

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Президентимизнинг ташаббуси билан янги — 2016 йил юртимизда Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилинишининг замирида ҳам, ҳеч шубҳасиз, инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўлидаги изчил ва қатъий сиёсат, шунингдек, адолатпарварлик ва инсонпарварлик тамойиллари муважжадан. Шу маънода, "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади" деган ҳаётбахш гоё ҳар бир фуқаронинг қалбига чуқур кириб бориши, ана шу улуг ишга муносиб ҳисса қўйиш барчамизнинг муқаддас вазифамизга айланиши тайин.

Мухтасар айтганда, мустақиллик йилларида Ватанимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари давлат манфаатларидан устувлиги мустаҳкамланган. Фуқароларимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратиш давлат ва жамиятнинг бош мақсадига айланган. Юртимизда ижтимоий адолат тамойиллари тобора устувор аҳамият касб этмоқда. Буларнинг барчаси беҳиж эмас. Зотан, истиқлолнинг илк кунлариданоқ Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган "Ўзбек модели"нинг асосий мақсад-моҳияти — инсонга муносиб ҳаёт шароитлари яратиш, уни бахтли қилишдан иборат бўлса, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ва жамият, инсон ва давлат муносабатларининг ишончли кафолатидир.

Акмал САИДОВ, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси

Реклама ўрнида

Кафолатли ва ишончли ҳамкор

Мамлакатимиз иқтисодиётида рўй бераётган ўзгаришлар, унинг реал сектори ва барча тармоғида қўлаги киритилаётган ютуқларда молия муассасаларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Сўнги йилларда юртимизда бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.



Банклар кўрсатаётган замонавий ва сифатли хизматлар, миқозлар учун имтиёзли шартларда ажратилаётган маблағлар жойларда истиқболли лойиҳаларни тезкор амалга ошириш, пировардида, минглаб янги иш ўринлари яратиш имконини бераётгани бунинг тасдиғидир. Бошқача айтганда, юртимиз банк тизимида истиқлолнинг дастлабки йилларида белгилаб олинган "Мижоз банку учун эмас, банк миқоз учун" тамойили амалда ўз самарасини бермоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ислохотларнинг "Ўзбек модели" юксак натижалари эса банкларнинг капиталлашув даражаси изчил ортаётганида, тизимнинг ликвидлилик даражаси мустаҳкамлашиб, кредит портфелининг асосий қисми ички манбалар ҳиссасига тўғри келаётганида, банк хизматларидан фойдаланаётганлар сони йил сайин кўпаяётганида аққол акс этмоқда.

Сўнги йилларда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўртача 8 фоиздан ўсиб боришида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши катта бўлмоқда. Бугун ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоизи ушбу соҳага тўғри келмоқда, иш билан банд аҳолининг 75 фоизи мазкур тармоқда меҳнат қилаётди.

Бу жараёнда "Микрокредитбанк" АТБ аҳоли, айниқса, тадбиркорларнинг энг яқин ҳамкори ва ишончли кўмакчиси айланиб улгурди. Банк маблағлари, замонавий хизматлари орқали ўз омонатларини кўпайтиратган ёки тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, бозорларимиз тўқинлигига, худудларимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган изланувчан, ташаббускор ҳамюртларимизнинг муваффақиятларини кузатиб, бунга яна бир қарра амин бўляпмиз.

Масалан, Фарғона вилояти Кувасой шаҳрида фаолият кўрсатувчи "Мунис файзли мебеллари" масъулияти чекланган жамияти бир неча йилдан буён ички бозорга арзон ва қулай нархларда сифатли мебель маҳсулотлари етказиб бермоқда. Тадбиркорликнинг қирралари кўп, имкониятлари эса беқиёс. Корхона мутахассислари ички

Тадбир

Сифатли маҳсулот — экспорт салоҳиятини оширади

Жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, мамлакатимиздаги миқоздан зиёд корхонада халқро сифат менежмент тизими жорий этилган. Бу йўналишдаги ишларни тизимли олиб бориш мақсадида, экспорт салоҳиятига эга яна 3,8 миқоз корхона рўйхатга олиниб, уларда ҳам халқро стандартларга мувофиқ менежмент тизимларини жорий этиш режалаштирилди.

Бу ҳақда 11 декабрь куни Тошкентдаги халқро бизнес марказида бўлиб ўтган маҳсулотларнинг сифатини ошириш ҳамда уларнинг рақобатбардошлигини юксалтиришга қаратилган илмий-амалий конференцияда батафсил маълумот берилди. Тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ҳамда "Ўзстандарт" агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Бугун иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш, республикада ишлаб чиқариш маҳсулотларини дунё бозорига рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш ҳамда мамлакатимизда экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида муайян лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, "Ўзстандарт" агентлигининг "Ахборот-маълумот маркази" унитар корхонаси "Меъёрий ҳужжатларнинг электрон кутубхонаси"ни

бозордаги талабни ўрганиб чиқиб, янги лойиҳалар устида иш олиб боришди. Мақсад — маҳсулот тури ва сифатини ошириш. Бунда, албатта, молия муассасаси уларга яқиндан кўмакчи бўлди. "Микрокредитбанк" АТБ Фарғона вилоят филиали бу лойиҳаларга 200 миллион сўм сармоя ажратди. Бунинг эвазига замонавий ускуналар харид қилинди. Ўз навбатида, кувасойлик 5 нафар ёш иш билан таъминланди. Мазкур жамиятда 12 нафар ёш иш билан банд. Жамият аъзолари келгусида янги йўналишларда ҳам бизнес-режаларини амалга оширишни режалаштиришган.

Наргиза ТОҶИБОЕВА, тадбиркор (Фарғона вилояти)

— Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун кенг имкониятлар яратилган. Бунинг самараси қишлоғу маҳаллаларимиз ободлиги, иқтисодиётимиздаги юқори ўсиш суръатлари, бозорларимиз тўқинлиги, дастурхонимиз файзу бараксидида яққол намоён бўлади. Қолаверса, аҳоли эҳтиёжидан ортан маҳсулотларимизни чет элга сотиш орқали мамлакатимиз экспорт салоҳияти йил сайин юксалиб борапти.

Бир неча йилдан буён яқин тартибдаги тадбиркор сифатида қулоқчилик ва чинни буюмлар ишлаб чиқариб, ички бозорга етказиб беряпмиз. Юртимизда тадбиркорларга берилган имтиёз ва шарт-шароитлар самарали фаолият юритишимиз учун янада кенгроқ имконият яратмоқда. Маҳсулот турини кўпайтириш ва ишлаб чиқариш қувватини ошириш мақсадида "Микрокредитбанк"нинг Риштон филиалига мурожаат этдик. Банк ходимларига лойиҳамиз маъқул тушди. Қисқа муддатда бизга 59 миллион сўм сармоя ажратилди. Пировардида ишлаб чиқариш ҳажмининг бир неча баробар кўпайтирдик. Ҳозир юқори сифатли чинни маҳсулотлари тайёрлаб, республикамиздаги истеъмолчиларга етказиб беряпмиз. Ушбу молиявий кўмак ёрдамида 10 га яқин янги иш ўрни яратиб, асосан, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминладик.

Эркин ДОРИПОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

ташкил этди. Охириги икки йил давомида эса 100 дан ортиқ замонавий синаш услублари ўзлаштирилиб рўйхатдан ўтказилди.

— Мамлакатимиз иқтисодий тармоқлари ривожига "Ўзстандарт" агентлигининг алоҳида ўрни бор, — дейди Агентлик бош директори Абдусалом Курбанов. — Биргина ўлчов воситаларини тайёрлаш, сотиш ва ижарага бериш фаолиятини лицензиялаш, ўлчов воситаларини таъминлаш фаолиятини аккредитация қилиш, метрологик таъминот тўғрисидаги ҳулосаларини бериш тартиби бекор қилиниши эвазига беш мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритишга қулай шароит ва имконият яратилди. Маҳсулот ва кўрсатилмаётган хизматларнинг сифати, уларни дунё бозорига даражасига кўтаришда мамлакатимиздаги маҳаллий ҳамда хорижий корхоналарда сифатни бошқариш тизимининг жорий этилаётгани жуда муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда корхоналарда сифатни бошқариш тизимларини жорий этишнинг қулай ва афзал жиҳатлари ҳақида фикр алмашилди, соҳага оид норматив ҳуқуқий базани такомиллаштиришга қаратилган қатор таклифлар билдирилди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарҳ

Иқлим ўзгариши ва истиқболдаги вазифалар

дунё жамоатчилиги муҳокамасида

Сайёрамизда рўй бераётган глобал иқлим ўзгариши билан боғлиқ жараёнлар ер юзидagi экотизим барқарорлиги, иқтисодий ривож ва инсон саломатлигига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Инсониятнинг табиат қонунарига амал қилмаслиги, табиий ресурслардан беаёв фойдаланиши, sanoatнинг жадал ривожланаётгани, транспорт воситаларининг кўпайиши ва бошқа кўп рақамли технологияларнинг таъсирлари натижасида атмосферага чиқарилаётган зарарли газлар кўпайиб кетди. Ер сатҳида жамланган қўлинига, бу эса, ўз навбатида, глобал иқлим ўзгаришига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, карбонат ангидрид "буғхона таъсири" таркибининг оз қисмини ташкил этади. Бироқ шунинг ўзи ҳам унинг атмосферага "ўз ҳукмини ўтказиши" учун етарлидир. Углерод диоксиди сайёрамизни иситади. Бу, ўз навбатида, Ернинг газ қатламида сув буғининг оқибати ҳам сабаб бўлади. Олимларнинг баъорат қилишича, кейинги бир неча минг йил давомида Ер юзидagi барча мавжуд ёқилғиларни сарфлаш ҳисобига ундан ажралиб чиқадиган иссиқлик газлари денгиз сатҳининг 58 метрга кўтарилиши, Антарктида музликларининг бутунлай эриб кетиши, миллионлаб квадрат километр ер майдонининг сув остида қолиши ҳамда ҳаво ҳароратининг бир неча даражага кўтарилишига сабаб бўлиши мумкин. Бу нафақат оқ айиқ, пингвинлар сингари совуқсевар жониворларнинг қирилиши кетишига, балки табиий мувозанатнинг издан чиқишига олиб келади, дегандир. Мазкур масалалар яқинда Париж ҳамда Йоханнесбург шаҳарларида ўтказилган икки йиллик халқаро анжуманининг бош мавзусига айланган.

Иқлим ўзгариши бўйича Париж саммити

Шу йилнинг 29 ноябрыда Париж шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқлим ўзгариши бўйича ҳақли конвенциясининг 21 саммити иш бошлади. Саммитнинг барча 195 иштирокчи давлат вакиллари икки ҳафта давом этган қизгин музокаралардан сўнг, 12 декабрь куни 2020 йилдан кейин буғхона газлари миқдорини камайтириш ҳамда глобал исиниш бартараф этиш, углерод манбаи ўрнига қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг миқдосда фойдаланишга тезкорлик билан ўтиш юзасидан қатъий чора-тадбирлар ўтказиши назарда тутилган БМТнинг янги доиравий келишувини маъқуллади. Мазкур ҳужжат 2016 йилнинг 22 апрелида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йорк шаҳрида жойлашган штаб-квартирасида имзоланиши кўзда тутилган. БМТ Бош Котиби Пан Ги Мун конференция якуни бўйича нутқ сўзлар экан, Парижда тузилган келишув инсоният ва сайёрамиз учун катта ютуқ бўлганини, уни бажаришга киришиш лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, Бош Котиб иштирокчи давлатлар 2100 йилга қадар ҳароратнинг глобал ўсишини Цельсий шкаласи бўйича 2 даражадан паст ҳолатда ушлаб туриш мажбуриятини олганини қайд этди. Унинг сўзларига қараганда, бу айниқса, Африка, кичик ороллар ҳамда нисбатан кам ривожланган мамлакатлар учун ниҳоятда муҳим.

Табиатда буғхона газлари камайтиришни тезлаштириш учун конференцияда иштирок этаётган давлатлар ўз зиммаларига янги мажбуриятлар олмоқда. Шу йилнинг 31 мартдан бошлаб дунё давлатлари Париж саммити олдидан БМТга иқлим ўзгаришларини бартараф этишга қаратилган ўз дастурларини тақдим этди. Масалан, Россия 2030 йилга бориб атмосферага CO2 оксиди чиқаришни 1990 йилдаги кўрсаткичдан 30 фоиз камайтириш мажбуриятини олди. Атмосферага углерод газлари чиқариш бўйича дунёда Хитойдан кейин иккинчи ўринда турувчи АҚШ эса 2025 йилга бориб, 2005 йилдаги кўрсат-

кични 26-28 фоиз қисқартириши шарт. Шундай қилиб, ҳар бир давлат ўз зиммасига "иқлим мажбуриятлари"ни олиши ва бу қонуний расмийлаштирилиши Париж саммитининг асосий мақсади бўлди. Маълумки, 1997 йили Япониянинг Киото шаҳрида иқлим ўзгаришларига олиб келувчи буғхона газларининг атмосферага чиқарилиши қисқартириш юзасидан дунёда биринчи бор халқаро битим — Киото протоколи имзоланган. Мазкур баённома ривожланган давлатларнинг атмосферага чиқараётган умумий буғхона газлари миқдорини 2008-2012 йилларда 1990 йилдаги кўрсаткичдан 5,2 фоизга камайтиришни назарда тутарди. Бунинг учун ҳар бир давлатга аниқ квоталар белгиланган. Қайси давлат ушбу квотада белгиланган меъёрдан кам буғхона газлари чиқаришга эришса, ортиб қолган квотани бошқа талабгор давлатга сотиш имкони берилган эди. Аммо ачинарлиси, бу услуб, яъни тежалган квота савдоси қўлланган натижани бермади. Айрим давлатларда кўзбўйамачиликлар, қўшиб ёзишлар эвазига квота савдосини авж олдириш кузатилди. Қолаверса, АҚШ ва Австралия сингари давлатларнинг ушбу протоколни ратификация қилмаганлиги, кейинчалик Канада мазкур протоколдан чиққанлиги бу борада дунёвий миқдосдаги тартиб механизми ҳали етарли эмаслигини ва умуман бу борада қатъий ҳуқуқий механизмлар яратиш зарурлигини кўрсатди.

Мазкур ҳужжат иқлим тизимига оғирлик туширмаслик ҳамда 2020 йилдан сўнг иссиқхона газлари ташланмалари миқдорини белгилаб, глобал исиниш оқибатларини бартараф этиш юзасидан чора-тадбирларни кўзда тутди. Париж келишуви ана шу йилдан эътиборан Киото баённомаси ўрнини босиши лозим. Мазкур келишув атроф-муҳити муҳофазасида қилиш юзасидан белгиланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш учун ривожланган давлатлар томонидан 100 миллиард доллардан кам бўлмаган миқдорда маблағ ажратиши ҳам кўзда тутди.

Экологик вазиятни барқарорлаштириш йўлида

Қургўқчилик — иқлим ўзгаришларининг асоратларидан бири. Африканинг бошқа шаҳарларидан каби Жанубий Африка Республикасининг Йоханнесбург шаҳрида ҳам ёмғир мавсуми бошланди. Бу фақат тақвим бўйича ҳолос. Амалда бунинг акси кузатилмоқда: бу неча ҳафтадирки, бу ерда ёнғингарчилик кутилмаяпти. Халқаро ташкилотлар ҳамда дунё етакчилари бунинг устида бош қотирмоқда. Бироқ мазкур муаммоларни ечишда шаҳарларнинг кўмаги қандай бўлиши керак?

Йоханнесбург шаҳрида ташкил этилган "Африсити" саммитида мазкур саволга жавоб излаб кўрилди. Беш кун давом этган саммитда мазкур қитъанинг катта-кичик

шаҳарларидан вакиллар иштирок этди. Абиджан, Лагос, Дуала, Кампала каби ўттизга яқин Африка шаҳарлари "Мэрлар пакти" лойиҳаси доирасида иқлим ўзгаришлари бўйича ўз ташаббусларини илгари сурди. Мақсад — муаммони глобал даражада эмас, балки ўзаро тор доирада, яъни шаҳарлар доирасида ҳал этиш чораларини кўриш, карбонат ангидрид ташланмалари миқдорини камайтиришдан

вожлантириш бўйича агентлиги вакили Винсент Китъонинг қайд этишича, Африка шаҳарлари аста-секин муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга ўтмоқда: "мен Буркина-Фасонинг кичик шаҳарларидан бирига ташриф буюриб, маҳаллий дўконда қуёш батареяларини кўриб ҳайратда қолдим. Улар Хитойда ишлаб чиқарилган бўлиб, уни бемалол харид қилиш имконияти мавжуд. Бу Африканинг чекка худудлари ҳам муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга ўтаётганидан далолат беради. Бундай батареялар арзон, шу сабаб уларга талаб кундан-кунга ошиб бормоқда".

Шаҳарларни барқарор тараққий эттиришга шароит яратиш, атроф-муҳит мусоффолигини сақлаш, иқлим ўзгаришларига қарши чоралар кўриш — уч йилда бир маротаба ўтказилаётган "Африсити" саммитининг асосий вазифаларидан бири. Иқлим бўйича Африка шаҳарларининг навбатдаги саммити 2018 йилда Конго Республикаси пойтахти Браззавиль шаҳрида ўтказилади.

Иқлим ўзгаришига қарши кураш самаралари

Ўзбекистон 1993 йил БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича конвенциясини, 1998 йил ноябрь ойида Киото протоколини имзолади, 1999 йил 20 августда эса ратификация қилди. Шундан буён мамлакатимиз мазкур ҳужжатларда белгилаб берилган мажбуриятларни оғишмай бажариб келаётди. 2006 йил 6 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Киото протоколнинг мусоффо ривожланиш механизми доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, 2007 йил 10 январда Вазирлар Маҳкамасининг "Киото протоколи Тоза тараққий механизми доирасида инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Ўзбекистон БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича конвенцияси талабларини муваффақиятли бажариб, иқлим ўзгариши оқибатларини енгилаштириш ва унга мослашиш чораларини, жумладан, Киото баённомаси доирасида соф ривожланиш лойиҳаларини амалга оширмоқда. Ўзбекистон ҳозирги вақтга соф ривожланишга йўналтирилган замонавий технологиялардан фойдаланиш бўйича 15 лойиҳани амалга оширди. Мамлакатимиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Шарқий Европа давлатлари орасида рўйхатга олинган соф ривожланиш механизми лойиҳалари бўйича биринчи ўринни, атмосферага зарарли газларни чиқариш ҳажмининг қисқартириш бўйича жаҳон рейтингда ҳозирги вақтда 15 ўринни эгалламоқда.

Мамлакатимизда чиқариладиган буғхона газлари эмиссиясини камайтириш бўйича катта иш олиб борилаётди. 2007-2012 йилларда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ 188 минг автотранспорт воситаси газ ёнилғисига ўтказилди. Юртимизда қайта тикланувчи энергия манбалари, хусусан, қуёш энергиясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар йилдан ортиқ вақт давомида турар жой бинолари ва ижтимоий объектларни қуёш ёрдамида иситиш қурилмаларига асосланган иссиқ сув билан таъминлаш тизимлари яратилиб, улардан самарали фойдаланиб келинмоқда. Ҳар бири 100 мегаватт қувватга эга қатор фотозлектрик станцияларини қуриш бўйича кенг кўламли лойиҳани амалга ошириш бошланди.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Уч асрлик кема қолдиқлари

Колумбияда бундан 300 йил олдин чўкиб кетган испан кемасининг қолдиқлари топилган. Бу ҳақда мамлакат Президенти Хуан Мануэль Сантос ўзининг Твиттердаги саҳифаси орқали маълум қилган.

"Сан-Хосе" номли елканли ҳарбий кема қирол Филипп V флотига тегишли бўлиб, 1708 йилда Кариб денгизидagi Картхен порт шаҳар-қалъасидан унча узоқ бўлмаган жойда чўкиб кетган эди. Унинг бортига қумуш ва олтин тангалар, қимматбаҳо зумрадлар ортилган бўлган. Президент унга бағишланадиган матбуот анжуманида бу ҳақда батафсил маълумот берилишини айтган.



Вулқон яна ҳаракатда

Индонезияда "Бромо" вулканининг уйғониши оқибатида осмонни 400 метр баландликка қадар қора тутун қоплади.



Ява оролининг шарқий қисмида жойлашган вулқон ноябрь ойида ҳам уйғонган, ўшанда ҳам осмонни қора қул қоплаган эди. Ҳокимият вакиллари зарурат туғилганида аҳолини хавфсиз жойга кўчириш юзасидан чора-тадбирлар кўриб кўйилганини маълум қилди. Вулқон фаоллиги Маланг шаҳрида жойлашган аэропорт фаолиятига ҳалақат берган. Шу боис барча рейс номаълум муддатга қолдирилди.

Фикр кучи билан бошқариладиган автомобиль

Нанькай университетиде фаолият юритаётган бир гуруҳ хитойлик олимлар "Great Wall" компанияси билан ҳамкорликда мия импульслари ёрдамида бошқариладиган автомобиль ишлаб чиқарди. Бу ҳақда "TechInsider" нашри ёзмоқда.



Портал маълумотларига қараганда, ҳайдовчи бош мия импульси ёрдамида машинани орқа-олдинга юргизиши, тўхтатиши, эшикларни қулфлаши ва очиши мумкин. Бошқарув инсон бош мияси импульсини ўқиб, уни транспорт воситасига узатувчи ускуна ёрдамида амалга оширилади. Лойиҳа муаллифларидан бири Чжан Чжаонинг сўзларига қараганда, бу ускунада 16 ҳисоблагич бўлиб, улар ҳайдовчининг "фикрини ўқиб олади".

Рангин дунё

АҚШнинг Канзас-сити шаҳридаги марказий кўчалардан бирида мазкур шаҳар номи билан юритиладиган жамоат кутубхонаси фаолият юритади. Унга хос мейморий ечимга эга кутубхона мазкур шаҳарнинг диққатга сазовор жойларидан. Бугун мазкур кутубхона тўғрисида маълумот берилди.

Канзас-сити жамоат кутубхонасини "Китоб жавони" деб аташади. Бу бежиз эмас. У худди китоб жавони кўринишида қурилган. "Жавон"дан эса жаҳон адабиёти мумтоз намояндаларининг сара "китоб"лари жой олган бўлиб, бундай кўринишдаги архитектура намунаси дунёнинг ҳеч бир жойида учрамади. Кутубхонага 1873 йилда асос солинган, бир неча маротаба таъмирланган, уни уч бор бир жойдан бошқа жойга кўчиришга тўғри келган. Шунга қарамай, вақт ўтиши билан кутубхонанинг аҳоли орасида нуфузи ошиб, китоблар захираси ҳам кенгайиб борди. Бу эса, ўз навбатида, кутубхона учун янги

замонавий бино қуришга эҳтиёжни юзага келтирди. 2000 йилда ўтган асрнинг бошларида қурилган шаҳарнинг илк миллий банкининг бўшаб қолган эски биносини қайта таъмирлаб, Канзас-сити жамоат кутубхонасига топшириш юзасидан қарор қабул қилинди. 2002 йилдан эса кутубхонани жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди. Мазкур гаройиб кутубхона лойиҳаси учун 50 миллион доллар сарфланди. Харажатлар хайрия маблағлари ҳамда шаҳар аҳолисининг солиқ тўловларидан қопланди. Шу тариқа жамоат кутубхонаси 2004

Мутолаага ундайдиган маскан



йилда қайтадан очилди. Орадани икки йил ўтиб, унинг ёнида автотураргоҳ ҳам қурилди. Айнан автотураргоҳ бино кўринишини ўзгартириб юбор-

ди. Гап шундаки, архитекторлар автотураргоҳни кўздан пана қилиш учун унинг деворларини китоб жавони кўринишига келтиришди. Кутубхонанинг бундай ноодатий қиёфа касб этишида шаҳар аҳолисининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Боси "жавон"дан қандай китоблар ўрин олиши масаласи шаҳар аҳолисини ихтиёрига топширилди. Фуқаролар шаҳар ҳақида ёзилган ёки шунчаки у ҳақда тўхталиб ўтилган энг сара китобларни танлашга кўмаклашишлари лозим эди. "Жавон"дан шаҳар тўғрисида ёзилган "китоб"лар билан бир қаторда Уильям Шекспирнинг "Ромео ва Жюльетта", Марк Твеннинг "Гекльберри Финнинг бошидан кечирганлари", Габриэль Гарсия Маркеснинг "Елғизликнинг юз йили", Герберт Уэллснинг "Кўринмас одам" каби асарлари, шунингдек, Рей Бредбери, Толкин, Харпер Ли, Лэнгстон Хьюз сингари дунёга машҳур адабиёт намояндаларининг сара китоблари ўрин олган.

Бугунги кунда Канзас-сити жамоат кутубхонасини ташки томондан 24 "китоб" бебаб турибди. Ҳар бир "китоб"нинг узунлиги қарийб уч, баландлиги 7,6 метр келади. Канзас-сити жамоат кутубхонасида эса 2,5 миллион нусхада китоб сақланади. Кутубхонада концерт, конференция заллари, бир неча тамаддиҳона ҳамда таълим маркази жойлашган. Бугунги кунда кутубхонанинг ўн та филиали фаолият юритади. Кутубхонанинг учинчи ва тўртинчи қаватида ўқув хоналари, тоза ҳавода китоб мутолаа қилишни ҳуш кўрувчилар учун юқори қаватда махсус айвон ҳам ташкил этилган. Мазкур иншоотда даставвал миллий банк фаолият олиб боргани боис, бир пайтлар унинг ичида сейфлар жой олган. Бугун ана шу сейф турган хонада кино ҳамда театр томошалари ўтказиб келинади. Бир сўз билан айтганда, мазкур кутубхона ўзининг гаройиб кўриниши билан нафақат шаҳарни бебаб турибди, балки одамларнинг китобга, мутолаага бўлган ҳавас ва иштиёқини ҳам оширишга кўмаклашмоқда.

Саҳифани "Milliy tiklanish" муҳбири Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади

Музейда бир кун

Олтин мақом соҳиб

Ўзбекистон халқ артисти, академик Юнус Ражабий уй-музейдан репортаж

Илма бўлди-ю қўлимга саҳифалари сарғайиб, эскириб кетган газетанинг бир парчаси тушиб қолди. Кўз югуртирдим. Ҳарфлари хиралашган саҳифада шундай сўзлар бор эди: “Бастакор Юнус Ражабий! Мушқ, наво бобиди сиздан хурсандимиз. Илтимос шулки, ёшлардан кўпроқ ўриндошлар тарбияланг”. Телеграмма остига “Алишер Навоий” деб имзо чекилган. Ҳайрон бўлдим. Қизиқ, Алишер Навоий имзоси билан бастакорга ким хат йўллаган бўлиши мумкин? Ҳарчанд уринмай қўлимдаги қайси газета эканлигини аниқлаш олмадим.



лан “Ғижжаки Бобурий” ни ясаётган, гоҳ тенгур ижодкор дўстлари билан мақом куйлаётган ҳофизни кўрасиз.

Юнус Ражабийнинг мусиқий шажараси, қўлэмалари, мусиқий драматик асарлари яралишига оид ҳар бир жараён музейда ўз ифодасини топган.

Концертларида кийган тўнлари, бири-биридан фаройиб мусиқа асбоблари, Ҳиндистондан келтирилган ситор сози, афгон рубоби, дутор, пионинага маҳлиё бўлиб тикиларкан ман, музей саёҳатчиларидан бири: “Музейда нечта мусиқа асбоби бўлса, бастакор уларнинг барини ўзи чалиб куй басталаган экан”, — деди хайратли яширолмай. Шунда уй-музей мусиқа ихлосмандлари учун ҳақиқий мўъжиза эканлигини аниқлаш олмадим.

Ўйлаётганимнинг томонида мусиқашуноснинг мўъжиз ижодхонаси. Бир чеккада каравот, унга тақаб қўйилган кресло, уртада стол. Чолғу асбоблари, чойнак-пиёла, телефон, қалам, ўчирчи, нота қоғозлари устида қўзғойнак. Илгичга илинган чопонлари, жавонга терилган китоблар — ҳаммаси бастакор қандай кўйган бўлса, шундайлигича турибди, гўё. Фақат китоблар “Шашмақом”нинг кўзи ожизлар учун мах-

бахш наволар чалинди. Остонада академикнинг ўғли Ҳасан Ражабийни учратдим. Боя узокроқдан келаётган “Мўғилчаи дугҳо талқинчаси”нинг садалари энди борлигини забт этди.

Ҳасан Ражабий йўл бошлар экан: “Отамиз бу уйга 1957 йилда кўчиб келганлар, у пайтда оилада олти фарзанд бўлганмиш. Бу уйга кўчиб келгач эса яна олти кишига кўпайдик. Ҳозир Ражабийлар сулоласи вакиллари 318 нафарга етди, мен шуларнинг бириман, холос”, — деди ҳазил аралаш табассум билан.

Музейда аввало, Ражабийнинг кўхна Тошкентнинг Чақар маҳалласида кечган болалиги ва ўсмирлик даврига дуч келдим. Кичкина Юнусни отаси Чорсу майдонидаги Илҳом самовар-

чининг чойхонасига етаклаб бораётганига, у ерда бўлиб ўтган мусиқа оқшомлари, ёш мусиқа шайхосининг хайратларини кўрдим. Ражаб ота атайлаб Юнус учун андижонлик Мирза Қосим ҳофизни ҳовлисида яшаш учун тақлиф қилиб, ер ажратган экан. Қадимий мусиқа асбоблари, суратлар ва бошқа ашёлар ёш шогирдининг илк сабоқларидан, мусиқага бўлган меҳридан дарак беради.

Бўлғуси мусиқашуноснинг ширага тўлиб бораётган овози, танбур торларидан таралаётган наволар эшитилгандай бўлади. Кенжаотини алқаб дуо қилаётган Ойша буви, унинг уручлари кўз ўнгингизда намоён бўлади. Кейин эса гоҳ устози совға қилган найни чалаётган, гоҳ соз усталари би-

сус китоб шаклида нашрдан чиқарилган нусхалари эвазига кўпайган.

Музейда XIX асрда яшаб, ижод қилган Комил Хоразмийнинг Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Феруз топшириги билан “Ўзбек мақомларининг танбур чизиги”да ёзилган нота қўлэмалари сақланмоқда. Аниқланишича, қўлэма тугалланмай туриб муаллиф оламдан ўтган. Қўлэманинг давомини муаллифнинг ўғли Муҳаммад Расул Мирзо давом эттирган ва поёнига етказган. Бу жуда ноёб нусха ҳисобланиб, мусиқашунос олим, профессор Отаназар Матёқубов уни чуқур ўрганиб, “Мақомат” китобида баътафсил ёритган.

Шунингдек, бу ерда олти жилддан иборат “Шашмақом”, беш жилддан иборат “Ўзбек халқ мусиқаси” китоблари жой олган бўлиб, Юнус Ражабийнинг хоразмлик шогирди Матиниёз Юсупов қаламига мансуб “Хоразм мақомлари” китоби, Исҳоқ Ражабийнинг “Мақом мулкнинг султони” мақоласи, “Мақомлар масаласига доир” китоби ҳам эътиборга моликдир.

Дарвоқе, боғия телеграмма хусусида. У 1952 йилда ўша пайтдаги ёшлар оқшом газеталардан бирида чоп қилинган экан. Телеграмма остига Алишер Навоий дея имзо қўйилганининг сабаби эса буюк мақом ижросининг халқ яхши қўришига ишора экан.

— Ражабийлар сулоласи, 100 йилдан ошдики, Навоий газалари билан мақомлар куйлашди, — деди Ҳасан Ражабий саёҳатим сўнггида. — Бизда бу анъана авлоддан-авлодга ўтади. Мақсадимиз, отамиз ишини давом эттириш, ўзбек мақомчилиги ривожига ҳисса қўшишдир.

Гўзалой МАТЁҚУБОВА, журналист

Мағзи ҳам, шарбати ҳам фойдали кокос

Кокос — тропик иқлимга эга давлатларда етиштирилган пальма меваси. Кокос аслида ёнғоқ эмас, балки кокос пальмасининг қуруқ данагидир. Кокос мевасининг ичи эт (мағиз) ва сўт (шарбат)дан иборат. Пишиб етилмаган (5 ойдан кам) кокос мевасида ярим литрга яқин нордонширин таъмига эга кокос сути бўлади. Ёнғоқ пишиб етилгани сари, бу сўт қуюқлашади ва оқ рангли этга айланади. Кокос меваси жуда мазали ва фойдали маҳсулотдир.

Кокос турли фойдали витаминларга бой. Кокос мойи таркибиде кўп миқдорда лаурин кислотаси бўлиб, у қондаги холестерин миқдорини камайтириш хусусиятига эга. Кокос суюқлиги одамни тетиклаштиради. Уни сийдиктош касаллигида ичиш тавсия этилади. Майдаланган кокос этидан олинган сўт кокос суюқлигидан ёғлироқ бўлиб, юрак-қон томир тизими ишини рағбатлантиради. Кокос ёғи кальций ўзлаштирилишига ёрдам беради. Шу сабабли, уни тишлар, суюқларни мустаҳкамлаш ва остеопорознинг олдини олиш учун ишлатиш мумкин. Кокос ёғи таркибиде холестерин бўлмагани сабабли, тез ҳазм бўлади ва атеросклероз ривожланишининг олдини олади. Кокос юқори калорияли маҳсулот саналади.

Ташиш жараёнида кокос ёнғоқлари тешилиши, ёрилиши мумкин. Натижада уларнинг сути оқиб кетади, ёнғоқнинг ўзи эса чирий бошлайди. Шу сабабли, кокосда кичкинагина ёриқни кўрсангиз ҳам, олмагагиниз маъқул. Сифатли кокос чайқатиб кўрилганда ичидаги сутнинг товуши эшитилиши керак. Қаттиқ пўстли маҳсулот бўлгани сабабли, кокосни тўғри оча билиш мумкин. Ҳар бир кокос ёнғоқининг устки қисмида учта чуқурча бўлади. Аввал шу чуқурчалардан тепароқда тургани ўткир илгичча пичоқ ёрдамида тешилади. Кокосни ёриш учун болғача зарур. Табиий ёриш чизиги бўйлаб болғача билан уриб борилганда кокос ёнғоқиде ёриқлар пайдо бўлади. Шундан сўнг ушбу ёриққа ўткир пичоқ санчиб, кокос қўл билан босилганда у ўз-ўзиндан иккига бўлинади. Битта кокосдан бир стакандан сал камроқ суюқлик чиқади.

Агар кокос организмга ёқмаса, унинг истеъмолини тўхтатиш лозим. Қалқонсимон без гиперфункцияси бор беморларга кокос тавсия этилмайди. Чунки бу мева безга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

БИЛАСИЗМИ?

- Микрофон грекча сўз бўлиб, “кичик овоз” маъносини англатади. Дунёдаги ilk микрофонни 1877 йилда америкалик олим Эмил Берлинер ихтиро қилган.
- Дунёдаги ilk компьютер “сичқонча”си 1968 йилнинг 9 декабрида Сан-Франциско шаҳрида ўтказилган компьютер технологиялари конференциясида намойиш этилган. Уни АҚШлик олим Дуглас Энгельбарт кашф қилган бўлиб, бунинг учун у 10 минг доллар мукофот пули олган.

ТУРФА ОЛАМ

Шифокорлар учун махсус соат

Шифокорлар учун махсус “Apple watch” соати ихтиро қилинди. Соат “Airstrip” компанияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган.

Ушбу қурилма бемор ҳолатидан шифокорни тезда хабардор қилиш учун тайёрланди. Маъқул соат экрани юзасида қабул қилинадиган беморлар рўйхати келтирилган. Шу биргина экранда беморнинг исми, унга қўйилган ташхис ва шифокорнинг қабул қилиш вақти ҳақида маълумот жамланган. Бундан ташқари, ҳамшира беморнинг ҳолати, ҳаёт кўрсаткичлари ҳақида унинг исмини кўрсатган ҳолда шифокорга маълумот тақдим этиши мумкин. Агар шифокор беморнинг томир уриши (пульси), қон босими, тана ҳарорати ёки таҳлил натижалари ҳақида доимий равишда хабардор бўлиб туришни истаса, бу маълумотлар махсус қурилмага лаборатория орқали тўғридан-тўғри етказиб турилади. Шифокор сир сақлаши лозим бўлган тиббий маълумотларга рухсат этилган махсус тизим орқалигина кириши мумкин. Соат хотирасида бемор қабул қилаётган дори-дармонлар, даво муолажалари ва шикоятлар ҳам ўрин олади.

Қишда этик кийишга ҳожат йўқ

Француз олимлари “Digitsole” интерфаол пойабзал тўшамаларини ихтиро қилди. У смартфон билан бошқарилади ва қишнинг совуқ кунларида ҳам бир зумда оёқларни қиздиради.

Ушбу “ақлли патак” иситиш тизими ва смартфон орқали бошқариш имконияти бўлган дунёдаги ilk пойабзал тўшамаси саналади. Мақур қурилма бир вақтнинг ўзиде у вазифини бажаради. У оёқни иситиш билан бир қаторда, сайр давомида қадамларни ва қанча калориядан ҳалос бўлганини ҳисоблаб боради. Ускуна қувватни унга жойлаштирилган батареалардан олади. Бир марта тўлиқ қувват олган тўшаме 7-8 соат фойдаланишга етади. Кейин эса уни USB-улағич воситасида қайта қувватлантириш мумкин. У қулай ва иссиқ, сув ўтказмайдиган уч қаватли хомашедан ясалган. Фойдаланувчи ҳароратни об-ҳаво ва ўз хоҳишидан келиб чиқиб танлайди.

“Digitsole” муаллифлари уни қандай пойабзалга жойлаштириш мумкинлигини таъкидламоқда. Бундай тўшамаларни оддий спорт кроссовкасига жойлаштириб, қишни этиксиз ҳам ўтказиш мумкин.

Фарзона НАБИЕВА тайёрлади.

Миллий гуруҳ

“Мен шунчаки шахмат доналарини сурмаяпман, балки Ватаним шаъни учун курашяпман”, дейди шахмат бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Гулруҳбегим Тохиржонова

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, барча соҳа сингари спортга бўлган эътибор юксак даражага кўтарилиди. Президентимиз ташаббуси билан навқирон авлод истиқбол-ли йўлида яратиб берилган чексиз имкониятлар ўғил-қизларимизнинг истеъдод, маҳорат ва салоҳиятини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу жараёнда, спортчи ёшларга ҳар томонлама кўмак бериш, уларга зарур шароит ва имконият яратиш масалалари ҳам доимий эътиборда. Бунинг натижасида спортчиларимизнинг халқаро майдонда эришаётган ютуқлари салмоғи ҳам тобора ортиб бормоқда. Хусусан, сўнгги йилларда ўзбек шахматчиларининг довуғи етти иқлимга етгани ҳам бор гап. Рустам Қосимжонов, Нафиса Мўминова, Жавоҳир ва Исроомбек Синдоровлар каби шахматчилар эришаётган муваффақиятлар замирида ҳам ана шу жиҳат — юртимизда ёш авлод келажаги йўлида амалга оширилган савй-ҳаракатлар мубасссам.

...Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани маркази — Яйпан шаҳрида истиқомат қилувчи Мўминовларни “шахматчилар оиласи” дейишди. Чиндан ҳам Алишер Мўминовнинг фарзандлари — уч опа-сингил шахматда эришаётган натижалари орқали Ўзбекистон шухратини жаҳонга ёймоқда.

Биргина мисол: яқинда Қозғистоннинг Олмаота шаҳрида стандарт шахмат бўйича “IV Central Asia Cup 2015” — Марказий Осиё кубоги бўлиб ўтди. ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжинов соврини учун ўтказилган мусобақада кўплаб давлатлар терма жамоаларининг шахматчилари иштирок этди. Аёл-

лар ўртасидаги баҳсларда шу йил 20 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида мутлоқ Осиё чемпиони бўлган Мўминовлар оиласининг кенжа қизи Гулруҳбегим Тохиржонова фойиб чиқди. Энди 16 ёшга тўлган қиз учун бу қутилмаган натижадек туйлиши мумкин. Бундай муваффақиятларга эса фақатгина тинимсиз меҳнат ва изланиш орқали эришилади.

— Болалигимда шахматчи бўламан деб ҳеч ўйламаганман, бунга оиладаги муҳит сабаб бўлди, — дея хикоя қилади Гулруҳбегим. — Шу кунга қадар эришган ютуқларимнинг барчасида дадам ва опаларимнинг ҳиссаси бекиёс. Шахмат билан шуғулланиши 6 ёшимда бошлаганман. Ақлимни танибманки, шахмат билан биргаман. Яқинларим кўмағида ўз устимда тинимсиз изланипман. Бу, албатта, беасамар кетмаслигига ишонманам. Қолаверса, юртимизда яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, ўз маҳоратини юртимиз ва халқаро ареналарда кенг намойён этиб, опаларим қатори натижаларга эришиб келяпман. Ҳар доим ўйин бошланишидан олдин кўз олдимга галаба қозонишимни кутаётган ота-онам ва ватандошларим келади. Шунда “Мен шунчаки шахмат доналарини сурмаяпман, Ватаним шаъни учун курашяпман” деган ўй мени янги марраларга ундайди. Хорижий давлатларга мусобақага борганимизда у ердаги ёшлар билан фикр алмашамиз. Ҳақиқатдан биз ёшларга қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғам-хўрлик ҳеч бир мамлакатда йўқлигини улар эътироф этишади...

Гулруҳбегим 2011 йили Бразилиядаги жаҳон чемпионатида бронза медалига сазовор бўлди. Ушанда, “Ахборот” дастури орқали “Ўзбекистон тари-



ҳида ҳали ҳеч ким 12 ёшида жаҳон чемпионатида учинчи ўринни эгалламаган, ҳатто Рустам Қосимжонов ҳам бронза медалини 14 ёшида қўлга киритган”, — деб айтилганида ёш шахматчининг юраги ғурур ва ифтихорга тўлиб, янада кўпроқ меҳнат қилишга, ўз устида тинимсиз изланишга азму қарор қилди.

— Шахматнинг ҳам ўзига яраша машаққатлари бор, — дейди у. — Кун давомида етти соат шахмат ўйнанг, мия толиқади. Эртаси эса навбатдаги ўйинга салоҳиятингиз етмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам шахматдан ташқари катта теннис, югуриш ва гимнас-

тика билан шуғулланаман. Чет тилларига ҳам қизиқишим банд: инглиз тилида бемалол гаплашаман, китоблар мутолаа қиламан. Ниятим — коллежни битиргач, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетинида ўқини давом эттириш...

Гулруҳбегим жорий йилнинг 11 ноябрь куни Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида 20 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида Осиё чемпионатида стандарт, рапид ва блиц йўналишларида 3 олтин медални қўлга киритиб, Осиё чемпиони бўлди. Унинг Марказий Осиё кубоғида эришган натижалари озод ва обод Ватанда истиқлолнинг чексиз имкониятларидан баҳраманд бўлиб вояга етаётган ёш авлодга юксак эътиборнинг ёрқин далилидир.

— Оилада ҳар доим опаларим билан бир-биримизни қўлаб-қувватлашимиз тўфайли шахматда юқори натижаларга эришяпмиз, — дейди у. — Ҳар доим шундай йўл тутсак, ишончим комилки, бундан кейин ҳам ҳеч кимдан кам бўлмаймиз. Президентимиз раҳнамоллигида ёш авлод учун яратилган улкан шароитлар биз каби ёшларнинг орзуларимизга қанот бағишлаб, янги-янги марралар сари руҳлантирмоқда. Ҳали юрт байроғини банд қўтаришга арзугулик ишларни амалга оширишимиз, Президентимизнинг биз ёшларга бўлган ишончини оқлашимиз зарур...

Дарҳақиқат, спорт — Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрўсини янада юксалтирадиган омиллардан бири. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Платформасида ҳам жисмонан соғлом ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш, болалар ва ёшларнинг кенг қўламада спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Бугун Гулруҳбегим сингари Ватанимиз шаънини халқаро спорт майдонларида ҳимоя қилаётган иқтидорли спортчиларимиз талай. Улар яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиб, юксак марраларни забт этмоқда. Зеро, иқтидорли ёшлар мамлакатимизнинг эртанги кунни, суяган тоғи, бебаҳо бойлигидир.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА, “Milliy tiklanish” мухбири

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳром АҲМЕДОВ, Сувоп НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммадхон ҚУРОНОВ, Улугбек МУҲАММАДИЕВ, Ақмал САИДОВ, Жалолиддин САФОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Исмат ХУДОЕВОВ, Эркин ДОРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Беш муҳаррир: Бекзод НОРБОВ
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-89-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Беш муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қозғ бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буортма — Г 1225, Адади — 5329. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.
Навбатчи муҳаррир: Мухтарама КОМИЛОВА
Навбатчи: Шаҳзод ҒАФФОРОВ
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: m.tiklanish@gmail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 01.00.
ЎЗА яқини — 22.00.